

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 297
ББК: 86.38
К-25**

КАРИМОВ ХОЖИАКБАР МАХАМАДЖОНОВИЧ

**ҚУРЪОНИ КАРИМДАГИ “ЮСУФ” СУРАСИ
ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**5А 220103 – таржима назарияси ва амалиёти
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: т. ф. н. доцент
О. Қориев**

Аннотация

Ушбу тадқиқотда Қуръони каримнинг сўнгги пайтларда амалга оширилган ўзбек тилидаги маъно таржималарида иборалар таржимаси ва услуб масалаларига тўхталиб, таржималар сифати ва таржимонлар маҳоратига муносабат билдирилди. Иш мазмун-моҳияти фақатгина сура таржималарида эмас, балки мумтоз адабиёт асарларида ҳам ўз аксини топган “Юсуф” сураси таржимаси асосида амалга оширилди.

Тошкент – 2009

МУҲДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. Қуръони карим ва таржима муаммолари	
1.1. Қуръон карим маъно таржималари тарихи.....	9
1.2. “Юсуф” қиссасининг ўзбек адабиётидаги талқинлари	28
II БОБ. “Юсуф” сурасининг ўзбекча таржималари	
2.1. “Юсуф” сураси таржималарида услуб	35
2.2. “Юсуф” сурасидаги ибораларнинг таржимада берилиши.....	55
Хулоса	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75
Иловалар	79

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. “Барчамизга яхши маълум, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олган, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.”¹

Муқаддас динимизнинг барча қонун-қоидаларини илоҳий китоб бўлмиш Қуръони карим ўзида мужассам этгандир. Юртимизга ислом дини кириб келиши билан аста-секин Қуръони каримга бўлган қизиқиш ортиб борди. Қисқа вақт ичида муфассирлар ва Қуръон илмлари билан шуғулланган алломалар етишиб чикди. Имом Бухорий, Муҳаммад ибн Исо Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Замахшарий каби алломаларимизни бутун мусулмон дунёси ҳурмат билан тилга олади. Сабаби улар ўз илмий салоҳиятлари билан ислом маданиятининг равнақ топишига муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб диний қадриятларимизга катта эътибор берила бошлади. Қомусимизнинг 31-моддасида виждон эркинлиги ўз аксини топди. Илоҳий китобимиз Қуръони каримни таржима қилишга кенг йўл очилиб, қисқа вақт ичида бир неча таржималар юзага келди. Муқаддас каломнинг ўз она тилимизда ҳар бир мусулмон хонадонига кириб бориши муҳим тарихий воқеа бўлди, десак муболаға бўлмайди. Таржималар кўпайишининг, бир томондан, диний

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б. 36.

адабиётларимизнинг бойиши, Қуръонни янада кенгроқ тушунишимиз, бир неча устозлардан дарс олишимиз каби кўплаб манфаатли жиҳатлари бор бўлса, иккинчи томондан, бир таржима бор экан, яна бошқа таржимага нима эҳтиёж бордек гўё. Шу боис кейинги таржималарни юзага келишига нима сабаб бўлган ва улар аввалги таржималардан нимаси билан фарқланади каби саволлар туғилиши табиий.

Бир даврда қилинган таржималар, албатта, қайсидир жиҳати билан биридан фарқланади. Сўнгги пайтда ўзбек уламолари томонидан амалга оширилган Қуръони каримнинг ўзбек тилига маъно таржималарини қиёслаш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганиб чиқиш таржимашунослар олдидаги муҳим вазифалардан саналади.

Президент И.А.Каримов айтганларидек, “Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз улуғ зотларнинг ҳаёт йўлини ва қолдирган меросларини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборат. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Нега деганда, ўзимиз – бугун шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммамизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким ҳеч қачон бу ишни қилиб бермайди.²”

Шу маънода, бу муҳим ишнинг бир кичик қисми сифатида, ушбу тадқиқотимизда, Қуръони каримнинг сўнгги пайтларда амалга оширилган ўзбек тилидаги маъно таржималарида иборалар таржимаси ва услуб масалаларига тўхталиб, таржималар сифати ва таржимонлар маҳоратига

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 44.

муносабат билдиришга ҳаракат қилдик. Мазкур ишни “Юсуф” сураси таржимаси асосида амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Зеро мазкур сура мазмун-моҳияти фақатгина сура таржималарида эмас, балки мумтоз адабиёт асарларида ҳам ўз аксини топганлиги билан халқимизга яхши таниш ва анча яқин.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Қуръони каримнинг ўзбекча маъно таржималари устида иш олиб борган тадқиқотчилардан ф.ф.д. профессор Ҳамидулла Кароматов “Қуръони карим ва ўзбек адабиёти” мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Муаллифнинг “Қуръони карим ва ўзбек адабиёти” номли рисоласида Қуръоний мавзуларнинг ўзбек адабиётига таъсири масаласи, Яссавий ҳикматларида, “Қутадғу билиг” ва “Ҳайратул-аброр”да Қуръоний мавзулар талқини ёритилган. Қуръони каримнинг энг гўзал қиссаси ва Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” асари қиёсий таҳлил этилган.

Иброҳим Ғофуровнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2009 йил, 17 апрел 16-сонидаги “Қуръон таржималари: тажрибалар” номли мақоласида Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги таржималари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, Европа ва айрим Шарқ мамлакатларида амалга оширилган Қуръони каримнинг илмий-академик тажрималарининг сифати ҳақида баҳс юритади.

Шу билан бир қаторда, ёш шарқшунос мутахассисларнинг магистрлик ишларида ҳам Қуръони карим таржималари мавзусига оид тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Н.Р. Янчированинг “Қуръони карим маъноларининг қиёсий таҳлили” (“Ёсин”, “ас-Соффат”, “Ар-Раҳмон” суралари асосида) ва Б.З. Даминовнинг “Қуръони каримдаги “Илм” сўзининг таржима вариантлари” мавзуидаги магистрлик диссертацияларини айтиш мумкин.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертациямизнинг асосий мақсади қиссаларнинг энг гўзали бўлган “Юсуф ва Зулайхо” қиссасининг

ўзбек адабиётидаги талқинлари, “Юсуф” сураси таржималарида ибораларнинг берилишини аниқлаш ва таржималарнинг услубий фарқланишини тадқиқ этишдан иборат. Бундан ташқари, диссертацияда Қуръон каримнинг ўрта асрлардан шу кунимизгача мусулмон ва ғарб дунёсида амалга оширилган баъзи маъно таржималари аниқланиб, улар ҳақидаги асосий маълумотлар берилади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Қуръон карим маъно таржималари тарихига бир назар ташлаш. Бунда Қуръон каримнинг илк таржималаридан бошлаб, ҳозирги кунимизгача амалга оширилган шарқ ва ғарб халқлари тилларидаги таржималарни аниқлаш;

2. Юсуф қиссасининг ўзбек адабиётидаги талқинлари. Бунда “Юсуф ва Зулайхо” мавзуида ўзбек тилида қалам тебратган айрим адибларни аниқлаш;

3. “Юсуф” сураси таржималарида услуб; бунда таржимонлар – Алоуддин Мансур, Абдулазиз Мансур, Шайх Муҳаммад Содик ва Олтинхон Тўра ҳазратлари таржималарини қиёслаб, услуб қирраларини аниқлаш;

4. “Юсуф” сурасидаги ибораларнинг таржимада берилишини аниқлаш; бунда арабча иборани ибора билан, иборани оддий сўз билан ёки оддий сўзни ибора шаклида ўгирилишини мисоллар ёрдамида таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг предмет ва объекти. Қуръон карим ҳамда унинг маъноларини ўзбек тилига ўгирган таржимонлардан Алоуддин Мансурнинг 2001 йил Бишкекда нашр этилган “Қуръони карим” (ўзбекча изоҳли таржима)си, Абдулазиз Мансурнинг 2006 йил Тошкент ислом университети нашриётида чоп этилган “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” китоби, Шайх Муҳаммад Содикнинг 2008 йил “Шарқ” нашриётида чоп этилган 6 томли “Тафсири Ҳилол” тўплами ва Олтинхон Тўранинг “Ал-қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар” асарларидаги “Юсуф”

сураси таржималарининг қиёсий таҳлили тадқиқотимизнинг предмети қилиб олинди.

Шунингдек, мазкур асарлар билан бир қаторда Шайх Муҳаммадjon мулло Рустам ўғли қаламига мансуб “Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон” – “Қуръони каримнинг маънавий таржимаси”, Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмаднинг “Ҳидоят” журналида 2008 йил 1-сондан бошлаб ҳозиргача чоп этилаётган “Юсуф сураси” таржима, тафсир ва баёни, араб тилида Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафийнинг " مدارك التنزيل " тафсири, Крачковскийнинг 1991 йили Москвада нашр этилган русча таржимаси, Й. Н. Ўзтуркнинг туркча таржимаси, Юсуф Али ва Б.М. Шакирларнинг инглизча таржималари тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий методологик асоси ва асосий илмий методи.

Тадқиқотнинг методологик асосини Ғ.Саломов, Н.Комилов, Қ.Мусаев, Ж.Шарипов, Э.Очилов, Ҳ.Кароматов, А.Б.Кунин каби таржимашуносларнинг бадий таржима, таржимон маҳорати, таржимада муаллиф услуби, фразеологизмлар таржимасига бағишланган илмий тадқиқотлари ташкил этди.

Диссертацияда асосан қиёсий методдан фойдаланилди.

Диссертациянинг илмий янгиликлари. Мавзуни ёритиш жараёнида Қуръон карим маъно таржималаридан қиссаларнинг энг гўзали ҳисобланган “Юсуф” сурасининг ўзбекча таржималари, мавжуд адабиётлар ва вақтли матбуотда нашр қилинаётган таржималар илк бор яхлит тарзда қиёсланиб ўрганилди, улардаги услубий тафовутлар ва иборалар таржимасидаги ўзига хос жиҳатлари биринчи марта ўрганиб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, Қуръон каримнинг ўзбекча маъно таржималарини қиёслаб, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлашга оид бирор манба мавжуд эмаслиги туфайли, қиёсий услубда амалга оширилган мазкур диссертацияда илмий таҳлил этиб

берилган назарий фикр ва амалий тавсияларни ҳозирда араб тили йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассислар ва Қуръони карим маъно таржималарига қизиқувчиларга ёрдамчи манба сифатида тавсия этиш мумкин. Чунки, тадқиқотимизда Қуръони карим маъно таржималари тарихи, таржимада услуб ва иборалар таржимаси қиёсий тарзда берилган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, икки бобдан иборат асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ҚУРЪОНИ ҚАРИМ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

1.1. Қуръон карим маъно таржималари тарихи

Қуръон карим Муҳаммад алайҳиссалом воситасида юборилган, инсоният тарихида шубҳасиз энг мўътабар китобдир. Бу китоб ўзининг илоҳий таълимоти билан XIV асрдан бери дунёдаги турли миллат ва элатларга мансуб халқларни ахлоқий покликка асосланган турмуш тарзини барпо этишга, жамиятда том маънодаги адолатни қарор топтиришга, инсонлар орасида ўзаро ҳурмат ва эҳтиромни шакллантириб, уларни тинч-тотув ва осойишта ҳаёт кечиришга чақирувчи манбалардан бири бўлиб келмоқда. Шунингдек, ушбу китобда олам ва инсоннинг яритилиши, охират олами, исломий ибодатлар ва унинг инсон маънавий қиёфасига таъсири, пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар ва улардан келиб чиқадиган ибратлар ва бошқа кўплаб масалалар баён этилган.

Аллоҳ таоло бу китобни нозил қилган пайт араб яриморолида яшовчи инсонлар жоҳолат, разолат ботқоғига ботган, ота фарзандини, ака-укасини танимайдиган ҳолга келган, мавжуд маънавий мезонлар иш бермай қўйган, ҳидоят йўлига бошловчи янги бир таълимотга эҳтиёж туғилган вақт эди. Қуръони карим нозил бўлгандан сўнг қисқа муддат ичида бадавий инсонлар энг маданиятли, энг билимдон, энг намунали ва тартибли халққа айландилар.

Қуръони каримнинг айнан араб тилида нозил бўлиши ҳикматларидан бири, ўша даврда арабларда суҳандонлик, балоғат, фасоҳат, шерият, оғзаки ижод ривожланган эди. Шоир ва суҳандони ўша қавмнинг фахрли қаҳрамони бўлиб, энг кўп у билан фахрланишарди. Уларнинг сўзамоллиги, одатда, ўз наслу насаби билан фахрланиш, бошқаларни мадҳ этиш ёки ҳажв қилиш, турли хабарлар ва ҳикматли сўзларни назмга солишдан иборат эди. Шунингдек, арабларда ёдлаш қобилиятининг кучлилиги эди. Улар ўқиш-ёзишни билмаганлари туфайли ўз тарихларини, насл-насабларини турли қасида ва шеърлар орқали ёд олиб авлоддан-авлодга етказиб келар эдилар. Ана

ўша хислат Қуръони каримни ҳам пухта, аниқлик билан, Аллоҳ таолодан кандоқ нозил бўлса, шундоқ ҳолида кейинги авлодларга етказиб беришга хизмат қилди.

Шубҳасиз, Қуръони карим араб тилида, арабларнинг балоғат усулларига мос равишда нозил бўлган. Шунинг учун арабларнинг ҳаммаси ҳам Қуръоннинг калималари ва жумлалари маъноларини яхши тушунардилар.³ Тўғри, Қуръони карим араб тилида нозил бўлгани учун унинг зоҳирий маъноларини саҳобаи киромлар ҳам тушунганлар. Аммо унинг ботиний маъноларини фақат араб тилини билиш билан англаш мумкин эмас. Шунинг учун саҳобалар баъзи оят маъноларини аниқлаш борасида ўзаро мунозаралар, баҳслар ўтказиб, ўзлари ҳал қила олмаган мушкулларини тушунишда Пайғамбаримиз (с.а.в)га мурожаат қилганлар.⁴

Саҳобалар даврида тафсирлар ривоятларга асосланган. Улар Пайғамбаримиз (с.а.в)дан ёки бирлари иккинчиларидан, тобеъийлар саҳобалардан ёки бир тобеъий иккинчи тобеъийдан ривоят қилар эди. Қуръон оятлари тафсирининг оғиздан-оғизга шу тариқа ривоят қилиниши бу соҳадаги биринчи қадам эди.

Умавийлар халифалиги охири – Аббосий халифалигининг бошларида, уламолар жамлаган оятларнинг тафсири мустақил тафсир китоб сифатида эмас, ҳадис китоби боблари ичидаги тафсир сифатида девон қилинган эди. Қуръони карим тафсирини алоҳида китоб сифатида биринчи бўлиб Али ибн Абу Толҳа ёзган бўлиб, у ўз тафсирини Ибн Аббос (р.а)дан келтирилган ривоятлар асосида ёзган.⁵ Шу тариқа тафсир илми тадрижий ривожланиб, кўплаб асарлар юзага келди. Ўша даврларда Қуръони каримни тушуниш учун

³ Абдурахмон ибн Халдун. Мукаддимат Ибн Халдун. Байрут: аш-Шарафия. 1907/1327. –Б. 489.

⁴ Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. –Т.: Тошкент ислом университети, 2006. –Б. 66.

⁵ Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. –Т.: Тошкент ислом университети, 2006. –Б.

кўпчилик тафсирларга мурожаат қилишган ва бу тафсирлар асосан араб тилида бўлган.

Ислом дини араб бўлмаган ўлкаларга ҳам ёйила бошлади. Ислом динини қабул қилган араб бўлмаган халқларда ҳам Аллоҳ каломини тушуниш, ўрганиш истаги пайдо бўлиши табиий ҳол эди. Ислом дини кириб келиши сабабли кўпчилик араб бўлмаган халқлар араб тилини ўргана бошлашди. Вақт ўтиши билан турли минтақаларда, масалан, Ўрта Осиёда шундай уламолар етишиб чикдики, улар ўз илмий салоҳиятлари билан арабларни ҳам илм таҳсили борасида лол қолдирдилар. Имом аз-Замахшарий наҳв илми, Имом Бухорий ҳадис илми, Самарқандий тафсир илми бобида назирсиз етук олимлар бўлиб етишдилар.

Ислом дини турли ҳудудларга етиб борар экан, араб тилини билмайдиган мусулмонлар сони ҳам орта бошлади. Улар ислом динини чуқурроқ ўрганиш учун унинг асосий манбаи бўлган Қуръони карим маъноларини тушунтириб беришини сўрашар эди. Ривоят қилинишича, форслар Салмон Форсий (р.а)га “Фотиҳа” сурасини форс тилида ёзиб беришини сўраб мактуб ёзишади. У киши “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” – “Ба номи...”, деб ёзди ва Расулуллоҳ алайҳиссаломга кўрсатганларидан кейин уларга юборди.⁶

Ислом уламоларининг Қуръонни таржима қилишга рухсат беришларининг бир сабаби, ғарб мамлакатларининг бу масалада олдинлаб кетганлиги эди. Мусулмонлар билан алоқа ўрнатишни мақсад қилган ғарбликлар, бир томондан, мустамлака қилиб олинган мусулмон мамлакатларида ерли аҳолини бошқариш учун, иккинчи томондан, ислом дини таълимоти ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида Қуръонни ўрганиш керак деган хулосага келдилар. Шу мақсадда кўзга кўринган шарқшунос олимларга Қуръонни таржима қилишни топширдилар. Бу таржимонлар Қуръонни муайян сиёсий ва

⁶ Шайх Муҳаммад Содик. Ҳадис ва ҳаёт. Қуён фазилатлари. 30-жуз. –Т.: Шарқ, 2007. –Б. 310.

мафкуравий мақсадларни кўзлаган ҳолда амалга оширганликлари боис, унинг мазмун моҳияти бирмунча ўзгача талқин қилинди. Бу таржималар ғарб оламида машҳур бўлибгина қолмасдан, уларнинг тилини биладиган баъзи мусулмонлар ҳам ўқий бошладилар. Чунки ҳар бир мусулмонда Қуръони карим маъноларини билиш орзуси бўлиши турган гап. Бу билан улар Қуръон тўғрисида нотўғри тушунчага бориб қолишлари ҳам мумкин эди. Ушбу омиллар Қуръони карим маъноларини таржима қилиш масаласини қайта кўриб чиқишга сабаб бўлди.

Мутахассислар бу масалани кўриб чиқиб, Қуръони карим маъноларининг исломий таржимаси зарур деган фатво чиқардилар ва бу таржима учун керакли шартларни ҳам баён қилдилар.

Қуръони карим ҳозирги кунда дунё тилларининг деярли барчасига қисман ёки тўлиқ таржима қилинган. Маълумотларга кўра, Қуръони карим ҳозиргача 140 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Улардан баъзиларида бир неча таржималар мавжуд. Масалан, урду тилида 400, форсча 202, инглизча 119, туркча 151, французча 36, немисча 36 та Қуръони карим таржималари бор. Қуръони каримнинг Европа тилларидаги тўлиқ таржимаси 450 дан ортиқ, тўлиқ бўлмаган, қисман таржималар эса юздан ортиқ.⁷

Манбаларда келишича, Қуръони карим биринчи бор барбар тилига 127/745 йили таржима қилинган.⁸ Лекин ушбу таржима бизгача етиб келмаган. 345/957 йили Сомоний подшоҳларидан Мансур ибн Нух буйруғи билан Қуръони карим Хуросон ва Мавароуннаҳрлик олимлар жамоаси томонидан Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг “Жамиъ-ул-баян” номли тафсирининг хулосаси билан бирга форс тилига таржима қилинган. Бу таржиманинг бир нусхаси Сулаймонияда (Аясўфия, 87 рақами билан), бир нусхаси Дрезден

⁷ Ali Qull Qara'i. The Qur'an and its Translations. Islamabad: Muqtadirah Oawmi Zaban. 1987. –P. 296.

⁸ M. Hamidullah. Kur'an-I Kerim tarihi. Istanbul.: Marmara Universitesi, 2000. –Б. 102.

кутубхонасида (22 рақами билан) сақланмоқда.⁹ Мазкур нашрда оятлар сатр орасида сўзма-сўз таржима қилинган бўлиб, унда форс тили сўз қурилиш қоидаларига риоя қилинмаган, оятларда келган калималар тагига форсча муқобиллари ёзилган. Мазкур таржима Қуръони каримнинг бизгача етиб келган биринчи форсча таржимаси бўлиб, туркий тилларга қилинган илк таржималар учун модел вазифасини бажариб келганлиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Қуръони каримнинг форс тилига таржима қилиш бундан кейин ҳам давом этган. Ҳозирги кунда Қуръони каримнинг ушбу тилда 250 тадан ортиқ таржималари мавжуд.¹⁰ Жумладан:

1. Ali Rida Mirza Khusrawani, *Tafsir-e Khusrawi*, 3 том. Tehran: Kitabfurushi Afghanistan, 1940\ 6 том. Kabul 1947, 580+564+610+620+496+594 бет.

2. Abd al-Majid Sadiq Nawbari, *Tafsir al-Qur'an, Kashf al-haqa'iq an nukat al-ayat wa al-daqa'iq* (изоҳ ва тафсир Муҳаммад Карим ибн Жаъфар томонидан амалга оширилган), 2 том. Tehran 1339/1960.

3. Ahmad b. Muhammad al-Maybudi, Rashid al-Din, *Khulasah-ye Tafsir-e kashf al-asrar*, 2 том. ношир. Habib Allah Amuzegar, Tehran 1347-1349/1968-1970.- *Kashf al-asrar wa 'uddat al-abrar*, 10 том. ношир. Dr. .Ali Asghar Hikmat Shirazi, Tehran University (1378).

Қуръон каримнинг илк туркий таржимаси XI аср бошларида форсий таржима асосида амалга оширилган бўлиб, унда сатр ораси услуби қўлланилган. Мутаржими аниқланмаган бу таржиманинг оригинали бизгача етиб келмаган. Лекин асл нусхадан кўчирилган баъзи қўлёзмалар топилган. Бу таржиманинг энг қадимий нусхаларидан бири 734/1334 йили Шерозли Муҳаммад ибн Ҳаж Давлатшоҳ томонидан кўчирилган бўлиб, у Турк ва Ислом асарлари музейида 73 рақам остида сақланади. Ушбу таржима ўғуз тилда

⁹ M. Hamidullah. Kur'an-I Kerim tarihi. Istanbul.: Marmara Universitesi, 2000. –Б. 67.

¹⁰ www.kurankurslari.com/ / Hidayet Aydar. Kur'an-ı Kerim'in Tercümesi Tarihi. 2008.

амалга оширилган.¹¹ Илк таржималар Қуръони карим матнининг тўлиқ камраб олмаган бўлиб, тўлиқ матннинг туркча таржималарини амалга ошириш XIV аср охирларида бошланган. Бу таржималарнинг бир қисми сўзма-сўз услубда ўгирилган. Унда таржима матн сатр орасида ҳар калима остида ёзилган. Бундай таржималарда жумла қурилиши, сўз тартиби ва бошқа хусусиятлари борасида, таржима қилинаётган тилнинг қоидаларига риоя қилинмайди. Сўз қурилишида арабчанинг таъсири сезилиб туради. Таржима қилинган сўзлар ёнма-ён тизилганда, баъзан маъно чиқариш қийинлашади.

Қуръон карим матнини таржима қилиш билан бир қаторда тафсирлар таржимасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Тафсирлар таржимаси бутун бир оятга оддий жумлалар билан содда изоҳи бериш услуби билан ажралиб турган. Араб тилидаги тафсирлардан Абу Лайс ас-Самарқандийнинг тафсири машҳур бўлиб, бу асар Аҳмад Дайи, Ибн Арабшоҳ, Мусо Изникийлар томонидан турк тилига таржима қилинган.

XX аср бошларига келиб, Қуръони каримнинг турк тилидаги бир неча таржималари вужудга келди. Бу даврда яратилган таржималар орасида юқори илмий савияда ёзилганлари билан бир қаторда, жиддий нуқсонлари бўлган таржималар ҳам пайдо бўла бошлади. Бунинг асосий сабаби мазкур таржималарнинг кўпчилиги араб тили ва диний илмлар соҳасида етарли даражада билимга эга бўлмаган кишилар томонидан амалга оширилганлиги эди. Бу ҳолатдан хавотирланган Диёнат ишлари раислиги Туркия Буюк Миллат мажлисининг талаби билан, уламолар томонидан халқ орасида эътибор қозонадиган бир таржима тайёрлашга қарор қилди. Элмали Муҳаммад Ҳамдий “Ҳақ дини Қуръон тили” номли таржимани амалга оширди ва у чоп этилди.¹² Бугунги кунгача Қуръони каримнинг турк тилидаги таржималари 150 тадан ошган. Жумладан:

¹¹ М. Hamidullah. Kur'an-I Kerim tarihi. Istanbul.: Marmara Universitesi, 2000. –Б. 109-119.

¹² Ўша асар. –Б. 195-212.

1. Isma'il Ferruh, *Tefsir-e mewahib (Terdjemeh-e Tefsir-e mewahib)* 2 том. Istanbul 1282/1865. 493+527 бет \ Istanbul: Butun Kitabevi 1959. 692 бет.

2. Ahmad b. 'Abd Allah, *Tafsir-e zubdat al-athar*, 2 том. Istanbul 1292-1294/1875-77, 448+464 бет.

3. Yazir, Muhammed Hamdi (Elmalili), *Hak dini Kur'an dili. yeni mealli Turkce tefsir* 9 том. Istanbul 1935-1938\ 9 том. 2-нашр.. Istanbul 1960-1962, 6632+229 бет \ 9 том. 3-нашр. Istanbul 1970, 6432+229 бет.

4. Bilmen, Omer Nasuhi, *Kur'an Kerim'in Turktce meal-i alisi ve tefsiri*, 8 том. Istanbul 1962-1966, 4122+7 бет.

Қуръон каримнинг ўзбек тилига ўгирилиши тарихи ҳам узоқ замонларга бориб тақалади. Бизга етиб келган энг қадимги туркий таржималардан бири XII-XIII асрларда номаълум олим томонидан ўгирилган таржима бўлиб, унинг ягона нусхаси 1914 йили Қарши шаҳридан топилган. Ҳозирда бу нусха Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти қўлёзмалар жамғармасида сақланади.¹³ Қўлёзманинг боши йўқолган, таржима ва тафсир Каҳф сурасидан бошланиб, Қуръоннинг охиригача давом этган. Хужурот сурасига қадар ҳар бир суранинг охирида шу сура мазмунига оид ривоятлар берилган. Хужурот сурасидан бошлаб оятларнинг таржима ва шарҳлари баён этилган. Қуръони каримнинг бундан кейинги даврларга мансуб бўлган ўзбек тилидаги таржималари ҳақида маълумотлар йўқ.

Айни ўзбек тилидаги дастлабки таржима асрлар оша 1956 йили Олтинхон Тўра томонидан амалга оширилган Қуръон маъноларини ўзбек тилига таржимаси ҳисобланади. Олим Олтинхон Тўра муҳожирлик йилларида хориждаги туркистонлик ватандошларимизнинг илтимосига биноан Қуръони каримни ўзбек тилида илк бор тафсир ва шарҳи билан таржима қилди ва китоб ҳолатида 1956 йили Бомбайда, 1975 йили Корочи (Покистонда), 1980 йили

¹³ Кароматов Х. Қуръон маъноларининг ўзбекча таржималари // Таржима назарияси ва адабий-лисоний алоқалар. Т. 1992. –Б. 11.

Духада, 1981 йили Жиддада, 1990 йили Истанбулда, 1993 йили Қатарда нашр этилди.¹⁴ 1994 йили профессор Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ томонидан ўзбек-кирилл алифбосида нашр қилинди.

Олтинхон Тўранинг таржимасигача Қуръоннинг ўзбек тилидаги мукаммал таржима ва тафсири йўқ эди. Таржима хорижда яшовчи барча туркистонликларга мўлжаллангани учун мутаржим уни “туркистонликлар тилига таржима” деб атаган. Ҳақиқатдан ҳам, хорижда яшовчи туркистонликлар – ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркманлар бир-бирлари билан ниҳоятда аҳил яшайдилар, туркий тил эса улар учун умумий тил вазифасини ўтаб келмоқда.¹⁵

Таржима Қуръон оятларининг ҳар бир сатри тагида, Қуръондаги арабий жумла тузилиши тартибида (таглама услубида) амалга оширилган. Бунда, ҳозирги ўзбек тилимизда қабул қилинган эга, кесим, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ўринлари алмашилиб кетган. Албатта, бу жумлаларни тушуниб олишда бир оз қийинчилик туғдиради. Олтинхон Тўра таржимаси хориждаги туркистонликлар орасида Қуръон маъноларини ўрганиш учун муҳим асар вазифасини ўтади. Таржима қайта-қайта нашр этилиб, Марказий Осиёда ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди.

Мустақиллик арафаси йилларида, Марказий Осиё мусулмонлари диний идораси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида, Марказий Осиёдаги энг йирик исломшунос олимлар иштирокида “Қуръони карим маъноларини ўзбек тилига таржима қилиш” мавзусида мусобақа ўтказилди. Ушбу мусобақада олим Алоуддин Мансур ғолиб чиқиб, 1990-91 йиллари тарихимизда биринчи марта Қуръон маъноларини аслиятдан – арабчадан замонавий ўзбек тилига таржима қилди. Таржима 1992-93 йиллари

¹⁴ Саййид Маҳмуд Тарозий. Ал-Қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар. –Т.: Фан, 2002. –Б. 6-7.

¹⁵Ўша асар. –Б. 8.

Тошкент шаҳрида, аввал “Шарқ юлдузи” журналида, сўнг “Чўлпон” ва “Ғафур Гулом” нашриётларида қайта-қайта қарийб бир миллион нусхада нашр этилди.¹⁶

1995 йилда Туркменистон уламолари ушбу таржимани ўрганиб чиқишиб, уни Қуръон таржималари ичида энг мукаммали, деган хулосага келишди ва ўзбек тилидан туркманчага таржима қилишди. Бу таржима 10000 нусхада чоп этилди. 2001 йил Бишкек шаҳрида лотин алифбосида қайта нашр этилди. Ва шу йили қозоғистонлик олимлар томонидан ўзбек тилидан қозоқ тилига ўгирилди ва Бишкек шаҳрида нашр этилди. Шунингдек, уйғур адиблари томонидан ўзбекчадан уйғур тилига ҳам таржима қилинган.¹⁷

Алоуддин Мансур 1999-2000 йиллари мобайнида Қуръони карим маъноларини арабчадан қирғиз тилига таржима қилиб, Бишкек ва Техрон (Эрон) шаҳарларида 15000 дан ортиқ нусхада чоп эттирди.

Ўзбек тилидаги яна бир таржима Қуръон каримнинг 30-пораси (Фотиҳа, Набаадан Нос сурасигача) шарқшунос олим, Иордания қироллиги академиясининг аъзоси Шамсиддин Бобохонов томонидан амалга оширилган. Ушбу таржима 1991 йили (Тошкент, Шарқ меросини ўрганиш академияси) ва 1992 йили (Перьм,СОМIL, бу нашр ўзбек ва араб тилларида) нашр этилди. Мутаржим кириш сўзида ёзишча: “Бу ишда биз изоҳли таржима услубини ихтиёр этдик ва оятлар маъносини иложи борича аниқроқ таржима этишга ҳаракат қилдик.”¹⁸

Орадан кўп вақт ўтмай Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам ўз тафсирини мусулмонлар эътиборига ҳавола қилди. Аввал аслият (бир оят) араб алифбосида берилиб, тагидан луғавий таржимаси ва сўнг кенг тафсир ва шарҳи ўрин олган. “Тафсири Ҳилол” номи билан аввалига 30-пора, сўнг 29-

¹⁶ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. 10-бет.

¹⁷ Ўша асар. –Б. 10-11.

¹⁸ Кароматов Ҳ. Қуръон маъноларининг ўзбекча таржималари // Таржима назарияси ва адабий-лисоний алоқалар. Т. 1992. –Б. 11.

пора, кейинчалик Қуръоннинг барча сураларини 1991 йилдан 1998 йилгача энг мукамал таржима ва изоҳлар билан 21 та китоб ҳолида турли жойларда нашр эттирди.¹⁹ 2007 йили “Шарқ” нашриётида 6 томли қилиб, катта китоб шаклида 5000 нусхада чоп этилди. 2008 йили яна “Шарқ” нашриётида 6 томли китоби қайта 5500 нусхада нашр қилинди. Шу йили “Тафсири Ҳилол”нинг 7-жузи қилиб фақат оятлари таржимасини (изоҳларсиз) “Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси” деб номлаб, “Шарқ”да 15000 нусхада чоп эттирди.

Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги энг охириги тўлиқ таржимаси 2001 йил Шайх Абдулазиз Мансур томонидан китобхонларга тақдим этилди. Мазкур таржима “Қуръони карим маънолар таржима ва тафсири” номи билан “Тошкент ислом университети” нашриётида 10000 нусхада нашр этилди. Оятлар маъно таржималари билан бир саҳифада ёнма-ён берилиши фойдаланишни анча қулайлаштирган. Таржимон оятларни изоҳлашда қисқа ва ҳошия шарҳлардан фойдаланган.

Булардан ташқари, Қуръон каримнинг айрим суралари таржималари матбуот орқали эълон қилинмоқда. Масалан, “Ҳидоят” журналида 2008 йил 1-сонидан шу кунгача мунтазам чоп этилаётган Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмадларнинг “Юсуф” сураси таржимаси, Қуръон каримнинг ҳозирда амалга оширилаётган маъно таржималаридан биридир. Мазкур таржимасида, аввал Қуръони карим ояти (араб тилида), сўнг унинг луғавий маъноси, остидан тафсир ва баёни келтирилган.²⁰

Бугунги кунда Қуръони карим шарқ халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинди. Жумладан урду, кашмир, ҳинд, пушту, малай, индонез, хитой, корейс, япон ва бошқа тилларда бир неча таржима мавжуд. Қуръони

¹⁹ Кароматов Ҳ. Қуръон маъноларининг ўзбекча таржималари // Таржима назарияси ва адабий-лисоний алоқалар. -Т. 1992. –Б. 11.

²⁰ Муҳаммад Шариф Жуман, Анвар Аҳмад. Юсуф сураси // Ҳидоят. №1-12. -Т. 2008. -Б. 4-5.

карим дунё тиллари ичида урду тилига энг кўп марта таржима қилинган. Ҳозирги кунда бу тилдаги таржималар 400 тага етган.²¹ Жумладан:

1. Muhammad Abd al-Salam Abbasi Badayuni, *Zad-e Akhirat*, (1224/1826 йили таржима тамомланган), 4 том. Lucknow 1244/1828, 1762 бет \ 4 том. Lucknow 1285/1868.)

2. Abd Allah, Sayyid Hj. Mawlawi, *Tafsir mudih. al-Qu,'an*, Calcutta 1829, 850 бет.

3. Ali Mujtahid. Sayyid b. Dildar. Ali (ваф. 1259). *Tawdih-e majid fi tanqihz-e kalam Allah al-Hamid. tarjamah wa tafsir*. 4 том. Bombay: Haydri 1252/1836.

4. Abd al-Qadir Dehlawi (Shah), *Mudih al-Qur'an (Shah Wali Allahning форсча таржимасидан ўғирилган)*, Meerut 1285/1868\ 1-нашр. Karachi: Idara 'Ulum al-Shari'ah 1376/1956, 792 бет.

5. Muhammad Husayn Quli Khan, Nawab, *Tarjamah Qur'an Sharif ma'a tafsir*, Lucknow: Matba'-e Husayni Ithna 'Ashari 1885, 796 бет.

Шунингдек, Қуръони карим ҳинд ўлкасидаги ҳинд (*Ahmad Shah Masihi, 1-нашр. Rajpur 1915, 400 бет*), бенгал (*Sen, Girish Chandra Sen, 3 қисм. 1-қисм, Shergpur Town, Mymensingh: Charuayatra 1881, 384 бет*), гужрат (*Abd al-Qadir bin Luqman, Bombay 1297-1298/1879*), синдҳи (*Muhammad Siddiq, 1-нашр. Lahore 1867\ Bombay 1879, 536 бет*), тамил (*Habib Muhammad al-Qahiri, Bombay 1269-1300/1879-1884, vi+626 бет*), панжоб (*Muhammad bin Barak Allah, Tafsir-e Muhammadi, 8 том., 1-нашр. Lahore 1882-1884, 2350 бет*) каби тилларга ҳам таржима қилинган. Ҳозиргача ушбу тилларга Қуръони каримнинг 80 тадан ортиқ таржималари амалга оширилган.²² (қаранг илова №1)

Қуръони карим пушту тилидаги таржималари 10 дан ортиқ бўлиб, жумладан:

²¹ www/haksozhaber.net / Hasan Polat. Kuran tum musulmanlarin vahdet noktasi.

²² Ali Qull Qara'i. The Qur'an and its Translations. Islamabad: Muqtadiraah Oawmi Zaban. 1987. –P. 296 .

1. *Qur'an Majid mutarjam ba tarjamah zaban-e Pashto*, 2 том. 1-нашр. Bhopal 1278/1861, 1739 бет (Shah . Abd al-Qadirнинг урду тилидаги таржимаси орқали ўгирилган).

2. Murad Ali (Mawlana), *Tafsir-e fawq al-yasir-e Afghani*, 2 том., 1-нашр. Lahore 1324/1906, 2130 бет \ 2 том. Lahore 1935-1937, 1871 бет

3. *Al-Qur'an al-Hakim*, 1-нашр. Peshawar: Rahman Gul Publishers 1926, 862 бет. (Shah Wali Allahнинг форсча таржимасининг пушту тилидаги варианты).

Малай тилидаги таржималар:

1. Abd al-Ra'uf b. Ali al-Fansuri al-Jawi, Cairo 1342/1923 \ 3 том. Penang 1961, 325+341+335 бет \ Dar al-Fikr 1410/1990, 610 бет.

2. Ahmad Hassan, 4 том. Bandung 1928 \ Kelantan: Pustaka Aman Press 1979, lii+1240 бет.

3. Abd Allah 'Abbas Nasution, Penang 1968, 522 бет \ 1-нашр. 2 том. Kedah. 498 бет

4. Abd Allah Muhammad Basmeih, 3 том. Kuala Lumpur 1972, 591 бет \ Kuala Lumpur 1974 \ 1-нашр. Kuala Lumpur: Majlis Kebangsaan Bagi Hal Ehwal Agama Islam Malaysia 1980, xiv+1756 бет.

Бугунгача Қуръони каримнинг индонез тилидаги таржимаси 13 тага етган. Улардан:

1. Ahmad Hassan, *al-Furqan (tafsir al-Qur'an)*, 4 том. Bandung 1928 \ Kelantan 1979, lii+1240 бет.

2. Mahmud Junus, 1935 \ 3-нашр. Bandung: T. Al-Ma'arif 1977, 542 бет.

3. Abdul Malik Karim Amrullah, *Tafsir al-azhar*, Djakarta 1965.

Қуръони карим узок шарқ тилларидан хитой тилига жами 8 та (*Li, Tiezheng, Beijing: Chung Hwa Book Co. 1927, 464 бет; Wang, Ching-chai, (муслмон олими томонидан биринчи бор хитой тилига таржима, изоҳлар билан) Beijing 1932 \ Taipei: Chinese Muslim Association 1964, 844 бет.*), япон тилига 6 та (*Sakamoto, Ken-ichi, 2 том. 1920, 419+428 бет \ reprint of 1920 edition 2 том. 2-нашр. 1929-1930.*

(1-японча таржима, Sale, Palmar and Rodwell таржималари орқали ўғирилган), корейс тилига эса битта (Kim, Young-Sun, Seoul: Dae Yang su Juk 1971, 473 бет) таржима амалга оширилган.²³

Жаҳон динларидан бири бўлган ислом дини ва унинг асосий манбаси Қуръон каримга Ғарб дунёсининг қизиқиши тарихи ҳам ўрта асрларга бориб тақалади. Қуръон матнининг XII асрдан бошлаб ғарб тилларига ўгирила бошланиши бу соҳага христиан дунёсида бўлган қизиқишнинг ёрқин намунасидир.²⁴ Бугунги кунда Қуръоншунослик соҳасида Қуръони каримнинг турли ғарб тилларидаги ўнлаб таржималари маълум. Бу китоб жумладан лотин, италян, немис, голланд, француз, инглиз, испан, юнон, венгер, швед, поляк, болгар, румин, чех, серб-харват, дания, фин ва бошқа тилларига таржима қилинган. (қаранг илова №1)

Қуръон каримнинг ғарб тилларига қилинган илк таржимаси 1143 йили Робертус (Robertus Ketensis) ва Ҳерманнус Далмата (Her-mannus Dalmata) томонидан лотин тилига ўғирилган. Теадор Библиандри (Theodori Bibliandri) томонидан камчиликлари тўлдирилгач, 1543 йили чоп этилган. Ушбу лотинча таржима кейинчалик италянчага, бу тилдан немис тилига, немисчадан эса французчага таржима қилинган.

Қуръони карим замонавий европа тилларидан биринчи бор италян тилига 1574 йили Андреа Аривабене (Andrea Arrivabene) томонидан ўгирилиб, Венесуэлада нашр этилди. Ҳозиргача Қуръони каримнинг италян тилиги таржималари 13 тага етган. Жумладан:

1. Branchi, Eugenio Camillo, Roma 1913. 437 бет.
2. Fracassi, Aquilio, Milano 1914, lxx+(6)+340+359 бет.
3. Bausani, Alessandro, Firenze 1955, lxxix+779 бет.\ Firenze 1978, lxxix+771 бет.

²³ Ali Qull Qara'i. The Qur'an and its Translations. Islamabad: Muqtadirah Oawmi Zaban. 1987. -P. 296.

²⁴ Ислам. Историографические очерки. М.: Наука, 1991. –С. 13.

Немис тилига эса, биринчи бор 1616 йили Саломон Швейггер (Salomon Schweigger) таржима қилган. Таржима “Alcoranus Mahometicus das ist: Der Türcken Alcoran” деб номланиб, Нюрнбергда чоп этилган. Бугунги кунгача Қуръони каримнинг немис тилидаги таржималар 36 тадан ортиқ бўлиб, улардан:

1. Lange, Johann, (du Ryer'нинг французча таржимасидан ўгирилган). Hamburg 1688, iii+115 бет.

2. Arnold, Theodor. (George Salening инглизча таржимасидан ўгирилган). Lemgo 1746. (8J+xxviii+232+693+f19) бет.

3. Megerlin, David Friederich, (немис тилига илк арабчадан ўгирилган таржима), Franckfurtam-Mayn 1772, 876 бет.

4. Boysen, Friedrich Eberhard. (арабчадан таржима қилинган), Halle 1773, 16+680 бет \ Halle 1775, 678 бет \ Halle 1828, xcvi+783+(13) бет.

Француз тилдаги биринчи таржима, 1647 йили Франциянинг Мисрдаги консули Андре Дю Райер (Andre Du Ryer) томонидан “Alcoran de Mahomet” номи билан асл араб тилидан таржима қилиниб, Парижда чоп этилди. Ушбу таржима кейинчалик кўплаб европа тилларига таржима қилинди. Жумладан, 1648 йили Александр Росс (Alexander Ross) томонидан “The Alcoran Of Mahomet” номи билан инглиз тилига, Гласмакер (J.H.Glasemaker) томонидан голланд тилига таржима қилинган (Лейден 1658). Қуръони каримнинг француз тилида 36 та таржималари мавжуд. Улардан:

1. Savary. Claude Etienne, 2 том. Paris 1783/ Paris 1970.

2. Ahmet Laimech ва B. Ben Daoud, (арабчадан таржима қилинган). Oran: Heintz freres 1932, 348 бет.

3. Muhammad Hamidullah, 1-нашр. pref.: Louis Massignon, Paris 1959. II. liv+640 бет \ 2 том. 10-нашр. Beyrouth: Mu'assasat al-Risalah 1980, (lii+359)+(827) бет.

Қуръони каримнинг голланд тилидаги илк таржимаси 1641 йили Salomon Swigger томонидан амалга оширилган. Мазкур таржима Salomon Schweiggerнинг немис тилидаги таржимаси орқали амалга оширилиб, “Der Arabische Alcoran” номи билан Ҳамбург шаҳрида нашр қилинган. Бугунги кунда Қуръони каримнинг голланд тилидаги таржималари 7 тага етган Жумладан:

1. Glazemaker, Jan Hendrik, (Andre Du Ryerнинг французча таржимасидан ўгирилган) Amsterdam 1657, (16)+692+(4)+125 бет \ 7-нашр. 1799.

2. Tollens, L. J. A.. (Kasimirskining французча, Ullmannнинг немисча, Salening инглизча ва Maraccioning лотинча таржималари асосида), Batavia (Jakarta): Lange and Co. 1859, xiii+xliv+666+v бет.

3. Kramers, Johannes Hendrik, Amsterdam 1956, xx+728 бет\ 6-нашр. Amsterdam: Agon Elsevier 1978, xx+728 бет.

Қуръони каримнинг ғарб тиллари ичида энг кўп инглиз тилида амалга оширилган. Ҳозиргача Қуръони каримнинг инглиз тилидаги таржималари 120 тага етган. Жумладан:

1. Ross, Alexander, *The Alcoran Of Mahomet*. London 1648, 511 бет \ London 1719 (in A Complete History of the Turks).

2. Rodwell, John Meadows, *The Koran Translation from the Arabic*. (суралар хронологик тартибда, изоҳ ва индекслар билан берилган), Hertford 1861, xxviii+659 бет \ London: Everyman's Library 1978, 506 бет.

3. Sale, George, *The Koran Commonly Called the Alcoran of Mohammed*. (арабчадан илк инглизча таржима), 4 том. Bostan (1882-1886)\ London 1734 \ New York 1949, xiv+608 бет.

4. Muhammad Ali, *The Holy Qur'an, Arabic Text, Translation and Commentary*, Woking: Islamic Review Office 1917, cxv+1275 бет \ Lahore: Ahmadiyyah Anjuman-e Isha'at-e Islam 1951, cxvi+631 бет.

Бугунги кунда Қуръони каримнинг испан тилида 13 та таржимаси мавжуд. Жумладан:

1. De Robles, De Iose Garber, *Alcoran*. (Kasimirski'ning фрвнцузча таржимасидан ўгирилган), Madrid 1844.

2. La Puebla, D. Vicente Ortiz, (таржиманинг кўп қисми Kasimirski'ning французча таржимасидан ўгирилган), 1-нашр. Barcelona 1872, 666 бет.

3. Garcia-Bravo, de Joaquin, (Savary'ning французча таржимасидан ўгирилган), 2 том. Barcelona 1907, 471 бет \ Barcelona: V. de L. Tasso (1972) xvi+471 бет \ Mexico: Nacional (1972) xvi+471 бет.

4. Cansinos Assens, Rafael, Madrid 1951, 870 бет / 2-нашр. Madrid 1954 \ 4-нашр. Madrid 1961, 866 бет \ 6-нашр. Madrid: Aguilar 1973, 992 бет.

Қуръони каримни илоҳий китоб сифатида унинг чексиз маънолари фойзидан ғарб дунёсини баҳраманд қилиш мақсадида амалга оширилган таржималар талайгина. Баъзи мусулмон таржимонлари ғарб дунёсидаги Қуръони карим ҳақида нотўғри фикрларни тўғрилаш мақсадида ушбу тилларга таржималар қилишган. Жумладан, Мирзо Башириддин Маҳмуд Аҳмад голланд тилига, Муҳаммад Ҳамидуллоҳ француз тилига, Салим Мирзо Тарак Бужжажки поляк тилига, Сайфиддин Раҳҳол, Башир Али ва Башириддин Маҳмуд Аҳмадлар испан тилига, Муҳаммад Абдуллоҳ Хон, Мавлоно Муҳаммад Али, Малик Ғулом, Муҳаммад Зафруллоҳ Хон ва Юсуф Али инглиз тилига Қуръони каримни маҳорат билан таржима қилишган.

Қуръони каримнинг ғарб тилларидаги илк таржималарида Қуръон Аллоҳ каломи эмас, балки у Муҳаммад алайҳиссаломнинг фикр ва тушунчалари нуқтаи назаридан таржима қилингани сезилиб туради. Ушбу таржималарда

Қуръони карим Инжил каби, Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан кейин унинг жамланиши ва кўчирилишида асли йўқолганлиги ва баъзи қисмлари чиқарилиб ташлаганлиги каби фикрлар ҳам билдирилган. Масалан, 1143 йили илк бор Қуръони карим таржимаси лотинчага математик ва астрономик асарларни арабчадан лотинчага таржима қилган инглиз таржимони Робертус ва Ҳерманнус Далмата (Her-mannus Dalmata)лар томонидан амалга оширилди. Ушбу таржима исломий мавзуларга раддия борасида далиллари асоссиз бўлгани боис бир неча аср нашрига рухсат берилмаган. Теадор Библиандри (Theodori Bibliandri) томонидан камчиликлари тўлдирилгач, 1543 йили чоп этилган.²⁵

Шунингдек, Людовико Мараккио (Ludovico Marraccio)нинг лотинча танқидий таржимаси, Андреа Аривабене (Andrea Arrivabene)нинг италянча таржимаси, Мартин Лузер (Martin Luther ваф. 1546)нинг немисча таржимаси, Андре Дю Райер (Andre Du Ryer) нинг французча таржима шулар жумласидан. Мегерлиннинг (David Friedrich Megerlein 1699-1778) “Die Türkische Bibel” - “Турк Инжили ёки Қуръон” номли немисча таржимасининг (Франкфут 1772) илк саҳифаларида бир расм остида “Муҳаммад сохта пайғамбар” деб ёзилган. Кейинчалик Мегерлиннинг таржимасидаги хатолари немис олими Johann Woifgang von Goethe (1749-1832) томонидан “ахлоқона уриниш” деб танқид қилинган.²⁶

Ғарб дунёсидаги қолган давлатлар ҳам буюк давлатлари ортидан Қуръон каримни ўз тилларига таржима қилишган. Улардан баъзилари қуйидагилар:

Юнон тилидаги таржималар:

1. Zografu-Meranaiu, Minas, Athens 1671, 457+16 бет. То Koranion

²⁵ www.haksozhaber.net / Hasan Polat. Kur'an'ın anlasılması ve batı dillerine çevirisi. –S. 1.

²⁶ Ўша манба. –Б. 3.

2. Pentaki, Gerasimou I. Koranion, Athens 1878\ Athens 1880\ 2-нашр. Athens 1886, 5+(1)+14+480 бет \ Athens 1887\ Athens 1921, 480 бет \ Athens 1928, 464 бет.

3. Milili, L. (N. J. Dawood'нинг инглизча таржимаси асосида), Athens: Kaklos Odisseas Hatwpulos and Sia O. E. 1980, 12+486 бет.

Ҳозирги кунда Қуръон каримнинг рус тилида 12 тадан ортиқ таржимаси мавжуд. Жумладан:

1. Постников Пиётр Василевич (du Руегнинг французча таржимасидан ўгирилган), Санкт-Петербург 1716, 350 бет.

2. Веревкин Михаил Иванович, (du Руегнинг французча таржимасидан ўгирилган), 2 том. Санкт-Петербург 1790, (7+2+224)+(6+372+12) бет.

3. Николаев К., (Kasimirskining французча таржимасидан ўгирилган), Москва 1864, xxxiii+468+xvi бет \ 5-нашр. Москва 1901.

4. Саблуков Горди Семёнович, (рус тилидаги илк арабчадан ўгирилган таржима), 2 том. Казань 1877-1879, (533+vii+ii)+(274+vi) бет \ Казань 1907, 580+v бет.

5. Крачковский Игнатий Юлианович, введение: В. Беляев, П. Грязнович, Москва 1963, 714 бет \ New York: Chalidze Publications 1979, 409 бет.

Шунингдек, Қуръон каримнинг қолган ғарб тилларида ҳам бир неча таржималари мавжуд. Жумладан, венгер тилида ҳозиргача жами 3 та (*Szdmajer, Imre (Emory) Buziday va George (Gyorgy) Gedeon, 1831*), швед тилида 3 та (*Crusenstolpe, Fredrik, (араб тилидан ўгирилган), Stockholm 1843, v+158+783+26 бет.*), еврей тилида 3 та (*Reckendorf, Hermann, Leipzig 1857, xlvi+370 бет*), поляк тилида 2 та (*Buczackiego, Jata Murzu Tarak, (арабчадан таржима қилинган), 2 том. Warsaw 1858, (x+608)+(viii+402) бет*), серб-харват тилида 4 та (*Ljubibratic Mico (Hercegovac), нашр. Ilija Milasavljevic, Belgrade: Kolarec Association 1895, 476+3 бет*), санскрит тилида 2 та (*Qur'an Sharif, The Holy Koran, Cawnpore: Razzaqi Press*

1897, 616 бет.), чех тилида 3 та (*Nykl, Aloin Richard, (араб тилидан таржима) Prague: (Jaromir Dolensky) 1934, xxxi+359 бет.*), дания тилида 3 та (*Abdus Salam Sadiq Madsen, (арабчадан амалга оширилган) 3 том. Copenhagen 1966*), фин тилида 2 та (*Z. I. Ahsen Boere, Tampere 1942, 799 бет.*), португал тилида 6 та (*de Castro, Bento, (Pickthall'нинг инглизча таржимаси асосида.) Mozambique 1964, 736 бет*) таржималар мавжуд. Румин (*Isopescul, Silvestru Octavian, (арабчадан таржима қилинган), Cemauti Bukavia 1912, 538+(1) бет.*), эсперанто (*Chuisi, Italo (Muhammad 'Abd al-Hadi), Copenhagen 1969\ Conpenhague 1970, xx+654 бет.*), норвег (*Berg, Einar, Oslo: Universitets forlaget 1980. 714 бет.*) тилларида эса, фақат биттадан таржима амалга оширилган.²⁷

Хуллас, Қуръони каримнинг маъно таржималари ўрта асрлардан бугунги кунимизгача турли тилларга қайта-қайта таржима қилиниб келмоқда. Қуръони каримга бўлган қизиқиш барча миллат ва дин вакиллари бефарқ қолдирмай, уларнинг диққатини ўзига қаратмоқда. Қуръоншунослик соҳасида янгидан-янги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳар бир аср уламолари ўз замонасига мос янгидан-янги маъно қирраларини кашф этиб, Қуръони карим ҳар замонга мос келадиган, эскирмас, илоҳий мўъжиза эканини тасдиқлашмоқдалар.

Бир даврда қилинаётган таржималарнинг, албатта, қайсидир жиҳати билан бошқалардан фарқланиши табиий. Сўнгги пайтда, ўзбек уламолари томонидан амалга оширилган Қуръони каримнинг ўзбек тилига таржималарини қиёслаш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганиб чиқиш таржимашунослар олдидаги муҳим вазифалардан саналади. Шу маънода, бу муҳим ишнинг бир кичик қисми сифатида, ушбу тадқиқотимизда аввал “Юсуф” сурасининг ўзбек адабиётидаги талқини ҳақида қисқа фикр юритиб, сўнг таржималарнинг қиёсий таҳлилига эътибор қаратсак.

²⁷ Ali Qull Qara'i. The Qur'an and its Translations. Islamabad: Muqtdirah Oawmi Zaban. 1987. –P. 296.

1.2. Юсуф қиссасининг ўзбек адабиётидаги талқинлари

Қуръон мавзуларининг ўзбек адабиётига сингиши асрлар давомида ривожланиб, ҳам тарих, ҳам адабиётда ўз аксини топган. Ягона Ислом давлати худудида туркий халқлар адабиёти бой анъаналари жиҳатидан муҳим ўрин тутгани ва ўзга адабиётларга таъсир ўтказгани маълум. Қуръоний мавзулар ўзбек адабиёти дурдоналарида такрор-такрор талқин этилган. Қуръон оятлари замирида жо этилган ва қадимги замон халқлари тарихидан ҳикоя қилувчи ибратомуз қиссалар мазмун ва моҳият жиҳатдан ўта аҳамиятга моликдир. Улар нафақат оддий халқлар ва ҳатто қалам аҳлининг, хусусан, шоирларнинг илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Шарқнинг забардаст шоирларидан Жомий, Фирдавсий, Рабғузий, Дурбек кабилар Қуръон қиссаларидан таъсирланиб, ўлмас асарлар ёзиб қолдиришган. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётини Қуръонни ўрганмасдан тушуниш амри маҳол²⁸.

Қуръон таълимоти ва қиссаларининг адабиётда чуқур акс этганига ёрқин мисол Юсуф қиссасидир. Ушбу қисса баён этилган сурани Аллоҳ таоло “аҳсанул қасас” – “қиссаларнинг энг гўзали” дея таърифлаган. Қисса инсон ҳаётининг пасту баландликларини ўзида акс эттириши билан барчанинг фикрини ўзига жалб этади. Оилада ака-укалар ўртасида содир бўладиган низолар, суюкли фарзанднинг ўз оға-инилари томонидан арзимас пулга қулликка сотилиши, шаҳвоний истак пок туйғуларни топтаб, разиллик ҳақиқат устидан ғалаба қозониши ва бу ғалабанинг вақтинча ва ўткинчи эканлиги, узок вақт азоб-укубатларга қарамай имонида собит қолган Юсуфни Аллоҳ кадрлаб, зиндон зулумотидан ёруғликка олиб чиқиши, қулликка сотилган ука Миср азизи мартабасига эришгач, хиёнаткор акаларини кечириши ва уларни ўз паноҳига олиши ажойиб услубда тасвирланган. Инсонга хос энг гўзал фазилатлар – мусибатга сабр қилиш, Аллоҳдан умид узмаслик, кечиримли

²⁸ Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. –Б. 62.

бўлиш, юксалишда ҳам камтарликни саклаш ифодаланганки, бу фазилатлар Шарқ адабиётининг ҳаётбахш сарчашмаси бўлиб келмоқда.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарининг Юсуф қиссаси бошида, унинг Шарқ адабиётига таъсири ҳақида шундай ёзади: “Юсуф алайҳис-салом қиссаси андин машҳурроқдурким, эҳтиёж анинг тафсилина бўлғай, невчунки ғароботи ва ширинлиги учун кўп ақобир ҳам назм ва ҳам наср анинг шарҳ асбобин тузубтурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубтурлар”.²⁹

Дарҳақиқат, Юсуф қиссаси жаҳон адабиётида жуда машҳур бўлиб, эрамиздан олдинги даврга тақалади. Афсоналар халқ оғзаки ва ёзма адабиётида бир миллатдан иккинчисига ўтиб, илоҳий китоб “Таврот”да ҳам қисқача маълумот берилган. Ундан насроний халқлар адабиётига ҳам сингиб ўтди. Асрлар ўтгач Юсуф қиссаси Қуръонда ўзининг мукамал шаклини топиб, бутун Шарқ адабиётига таъсир ўтказди.

Юсуф қиссаси, шу тариқа, Таврот орқали Ғарб адабиётига, Қуръон орқали Шарқ адабиётига ёйилди. Афсона, диний мавзулар ва адиблар тахайюлига бурканган бу мавзу барчанинг фикрини ўзига жалб этади. Айнан шу адабий жараён барча халқлар учун ягона бўлган фазилат ва қонуниятларнинг муштараклиги ва барча миллий адабиётини ташкил этишини исботлайди.³⁰

Жаҳон халқлари оғзаки ва ёзма адабиётида Юсуф мавзусига қайта-қайта муурожаат қилиш анъанага айланган. Туркман адабиётшуноси Гелди Назаровнинг аниқлашишича, шу сюжетда IX асрдан XX асргача ўтган давр ичида араб, форс-тожик, туркий, панжоб, пушту, ҳинду, гуржи, афғон, олмон, латиш тилларида 118 та асар ёзилган. Бу мавзуда илмий изланишлар олиб борган Ҳилола Сафарова эса, “Юсуф ва Зулайхо мавзуида халқ эртаклари ва қиссалари ҳам инобатга олингудек бўлса, бугунги кунда юз элликдан ортиқ асар яратилганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, дейди. Ҳазрати Яъқуб, Юсуф

²⁹ Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Асарлар Ўн беш томлик. 15-том. Т. 1967. –Б. 200.

³⁰ Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. –Б. 63.

алайҳиссалом, Зулайхо номи билан боғлиқ воқеалар қанчалик кенг тарқалган бўлса, бу мавзуда асар яратилган адабиётлардаги тадқиқотчилар ҳам шу қадар кўпдир.”³¹ Ҳилола Сафарова “Ҳазрати Юсуф – гўзаллик тимсоли” китобида шу мавзуда изланиш олиб борган йигирмадан ортиқ тадқиқотчиларни санаб ўтган. Бу эса, мавзунинг қанчалак қизиқарли ва долзарблигидан далолат беради.

“Ўзбек адабиёти тарихи”да Н. Маллаев бу мавзуда яратилган энг қадимги бадий асарлардан бири буюк тожик шоири Абулқосим Фирдавсий (934 - 1020) номига нисбат берилган “Юсуф ва Зулайхо” достони эканини ёзади³². Шу билан бирга, бу мавзуда, “маълумотларга кўра, Фирдавсийгача Абулмуайяд Балхий ва Бахтиёрий ҳам достон ёзганлар” деб таъкидлайди.³³

Фирдавсийдан сўнг XI аср бошларида бухоролик шоир Шаҳобиддин Аъмоқ Бухорий ҳам “Юсуф ва Зулайхо” достонини яратади.

Ўзбек адабиётига Юсуф қиссасини илк бор олиб кирган шоир Қул Али ҳисобланади. У 1233 йили “Қиссаи Юсуф” шеърини достонини ёзиб қолдирган.

Юсуф ва Зулайхо мавзуида туркий тилда яратилган иккинчи достон Шаййод Ҳамза қаламига мансуб. Шаййод Ҳамза ҳам Қул Алига замондош бўлиб, унинг асари Фирдавсийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони ҳамда Қуръони карим таъсирида дунёга келган. Бундан сўнг Бурҳонуддин ўғли Носируддин Рабғузий 1309-10 йилларда ёзилган “Қисас-ул анбиё” асарида “Қиссаи Юсуф Сиддик алайҳиссалом” қиссасини келтиради. Бу асар туркий халқлар адабиётида наср ташаккули ва қарор топишида муҳим ўринга эга. Рабғузий қиссада ҳар бир воқеадан кейин ҳикоят, ҳадис, ғазал, ҳикматли сўзлар келтириб, асар таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилиб, маҳоратини намоиш этган.

³¹ Сафарова Ҳ. Ҳазрати Юсуф – гўзаллик тимсоли. –Т.: Ислон университети, 2003. –Б. 10-11.

³² Ҳайдаров С. Дурбек ва унинг “Юсуф ва Зулайхо” достони; Дурбек. Юсуф ва Зулайхо. Т. 1959, –Б. 6.

³³ Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. –Б. 64.

Туркий тилда бу мавзуда яратилган дostonларнинг учинчиси – Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” асаридир. Дурбек XIV асрнинг охири – XV асрнинг бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоири бўлиб, бизгача унинг фақат “Юсуф ва Зулайхо” достони етиб келган (1409). Дoston ўзбек адабиётшунослигида кенг ўрганилган.

Шунингдек, Олим Девона, Сайқалий, Абу Али Ибн Сино, Огаҳий, Мулла Қурбон Хиромий, Шох Ҳаким Холис, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Рамз Бобожон ва бошқа ўзбек адиблари ҳам “Юсуф ва Зулайхо” мавзуида ўз асарларини ёзиб қолдиришган.

Навоий “Тарихи анбиё” асарида Юсуф қиссаси ҳақида қалам тебратган адиблардан Фирдавсий Тусий, Маҳмуди Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий, Хожа Масъуд Ироқийларни санаб ўтган. Навоий ушбу асарида бир неча пайғамбарлар тарихи қаторида Юсуф қиссасини ҳам насрда ёзган ва бизгача етиб келган. Бироқ, Қуръони каримда “энг гўзал қисса” дея таърифланган Юсуф алайҳиссалом саргузаштини назм силкига тортиш ва туркий халқларни Буюк Муҳаббат қиссаси билан янада яқинроқ таништириш Навоийнинг амалга ошмай қолган орзуларидан эди. Унинг лирик мероси ва дostonларини кўздан кечирганимизда ҳам маълум бўладики, Юсуф – Навоийнинг севимли тимсолларидан бири.³⁴ Шунинг учун асарларида талмех сифатида қўлланган кўплаб байтларни кўришимиз мумкин. Масалан, куйидаги байтда Яъқуб (а.с)нинг олдига келтирилган икки кўйлак – бири кўзи кўр бўлишига, бири ёруғ дунёни яна кўришига сабаб бўлган Юсуфнинг кўйлиги қиссасига талмех қилинган:

Ёр ҳажрига даво гулдин эмаским, бермас
Кимсага Юсуф иси қон аро ҳар пора қамис.

³⁴ Давлатов О. “Аҳсан ул-қисас” Алишер Навоий талқинида // Сино, 27-сон, 2007. –Б. 14.

Қамис – арабча кўйлак маъносида. Байтнинг насрий табдили куйидагича: “Қонга бўялган ҳар қандай кўйлақдан Юсуф иси келмаганидек, ҳижрон дардига мубтало бўлган ошиққа қизил гуллар даво бўлмас.”³⁵ Бу ерда лирик қаҳрамоннинг рухий ҳолати Яъқуб (а.с)нинг ҳолати билан изоҳланмоқда. Ёки, Юсуф (а.с)нинг акалари ундан қутулиб, унинг ўрнини эгаллаш мақсадида арзимас чақага сотишлари фойдасизлигини ва бундай кишиларнинг ҳақиқий баҳоси ҳақида шундай ёзади:

*Керак қуёш дирами танга бўлса байъона,
Чу Юсуфни ики даҳрга баҳо қилсам.*

Навоий куйидаги байтда иззат-обрў топиш, умум эътирофига эришиш чексиз машаққат ва тинимсиз меҳнатни талаб этишини Юсуф тақдирига боғланган ҳолда ифода этади.

*Мисри иззат истабон зиндони ғамдин қочмаким,
Моҳи Канъон тахтига боис мазаллат чоҳидур.*

“Мисри иззат” истиораси – Юсуфнинг Мисрда топган шон-шавкати, Миср шахрининг азизи – ҳукмдорлигига эришган даврга талмеҳ бўлса, “зиндони ғам” ибораси орқали Зулайхо тухмати билан хиёнатда айбланиб, зиндонда ётишига ишора қилинади. Иккинчи мисрада “мазаллат чоҳи” – акалари тамонидан қудуқ қаърига ташланган “моҳи Канъон” – Юсуфнинг қирқ йилдан сўнг кўрган туши ҳақиқатга айланиб, пайғамбарлик рутбасига мушарраф бўлгани тасвирланади. Ва шу каби бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Навоий учун пайғамбарлар – энг аввало, маънавий баркамоллик, илоҳий руҳониятдан файз топган зотлар, комиллик намуналари. Инсон номини шарафлаган бу буюк шахсиятларнинг ҳаёти, фаолияти, сўзлари барча учун ибрат намунасидир. Шунинг учун, Шарқ шеъриясида, жумладан, ўзбек

³⁵ Давлатов О. “Аҳсан ул-қисас” Алишер Навоий талқинида // Сино. 27-сон. 2007. –Б. 15.

шеърияида адабиётимизнинг ажралмас қисми сифатида шаклланган пайғамбарлар образига қайта-қайта мурожаат қилинади. Бунга кўплаб бошқа шоир ва адиблар асарларида ҳам гувоҳ бўламиз.

*Фурқат ичра тушиди савдои Зулайхо бошима,
Қиймати Юсуф баҳо топди харидоримга айт...*

(Нодира).

*Юсуфи Мисрий тилар, шоҳо, жамолингдин барот,
Офтобу ой олиб хуснинг фуругидин закот.*

(Равнақ).

*Нури рухсоринг бўлиб, Юсуф жамоли зийнати,
Дидаи Яъқубга гарди қудумингдир тўтиё.*

(Мунис).

Байтлардан кўриниб турибдики, қайси даврда бўлишдан қатъи назар, шоирлар Юсуф, Зулайхо ва Яъқуб сиймоларига алоқадор ишораларни келтириш орқали талмеҳли сатрлар яратиб, шу санъат воситасида юксак инсоний туйғуларнинг самимий ифодаланишига, фикрларининг таъсирчанлигига эриша олишган. Байтларда улар номи билан боғлиқ воқеалар тизимининг асосий нуқталарига ишора қилинган. Нодирабегим ўз сатрларида Зулайхонинг ҳижрон дамларидаги руҳий ҳолатини акс эттирган. Паҳлавонқули Равнақ эса Юсуфнинг хусни жамолига мурожаат этади. Айни ишоралар мисралардаги мазмун теранлигини таъмин этиш билан бирга, китобхонни ҳам фикрлашга чорлайди.³⁶

Хуллас, Юсуф ва Зулайхо ишқий саргузашти жуда қадимдан (дастлаб араб ва яҳудийларнинг оғзаки ижодиётида) пайдо бўлган. Сўнг муқаддас диний китобларда, хусусан Қуръони каримда алоҳида бир сура шаклда мукаммал ифодасини топди. Ундан ҳам оғзаки, ҳам ёзма бадиий адабиётда қайта-қайта

³⁶ Сафарова Ҳ. Ҳазрати Юсуф – гўзаллик тимсоли. –Т.: Ислом университети, 2003. –Б. 24-25.

ишланиб, улар билан боғлиқ лавҳалар барча диний эътиқоддаги халқлар бадиий адабиётида сайёр мавзу мақомини олди. Жумладан, ўзбек адабиётининг ишқий асарларида ҳам Юсуф ва Зулайхо баркамол образ сифатида чуқур шаклланди. Ёзма адабиётда талмеҳли байтлар, дostonлар, насрий қиссалар, ҳикоятлар ва XIX асрнинг иккинчи ярмидан драмалар яратилиб, турфа жанрларнинг тадрижий такомиллашуви таъминланди. “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси адабиётимизда ўзига хос ва бетакрор асарларнинг яратилишига, адабий хазинамизнинг бойишига катта сабаб бўлди. Юқорида шу мавзуга оид асарларнинг баъзи намуналарига ишора қилиб ўтдик.

Юсуф тимсоли асрлар давомида жаҳон халқлари қалбидан кенг жой олиб, уларнинг ахлоқий-маънавий, маиший-инсоний камолотига таъсир кўрсатиб келаётган ибратли адабий қаҳрамондир.

“ЮСУФ” СУРАСИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИ

2.1. “Юсуф” сураси таржималарида услуб

Сўнги йилларда Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги бир неча маъно таржималари юзага келди. Ушбу таржималарни қиёсий услубда ўрганиб чиқиш, уларнинг ўзига хос услуб қирраларини аниқлаш таржимасунослик олдидаги муҳим вазифалардан саналади. Биз тадқиқотимизнинг ушбу бобида Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги маъно таржималари “Ал-қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар” (Олтинхон тўра) “Қуръони карим ўзбекча изоҳли таржима” (Алоуддин Мансур), “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” (Абдулазиз Мансур), “Тафсири Ҳилол” (Шайх Муҳаммад Содиқ) китобларидаги “Юсуф” сурасининг услубий фарқлари ва ибораларнинг таржимада берилиши хусусиятларини кўриб чиқсак.

Аввало, Қуръон – битмас-туганмас илм манбаи. Араб тилида ўзининг бутун сеҳру жозибаси билан жаранглаган, бутун оламлар Робби томонидан ўзининг суюкли Расулига ваҳий орқали нозил қилинган бу нузли Каломни исталган бошқа бир тилга, жумладан ўзбек тилига, боринги, ҳозирга араб тилига таржима ёки табдил қилинса, сўниб қолгандай бўлади. Асл маъноси, жаранги, таъсири йўқолади.

“Қуръон таржимасининг мураккаблиги шундаки, бу тарихий ёки фалсафий асар, қомус ёки роман эмас. Аллоҳнинг бандаларига айтган сўзи. Ҳар бир калимани аниқ ўгириш керак. Суралар ва оятлар куйли, жарангдор. Унда наинки ҳар бир сура, оят, калом ёки ибора, ҳатто айрим ҳарфлар ҳам маъноли ёки тимсол ўрнида келади. Унинг талаб ва тамойиллари ҳар бир даврнинг асосий талабларига жавоб беради. Бизнинг кундалик ҳаётимиз, тафаккуримиз, ҳаракат тарзимиз, маънавиятимиз учун ғоят муҳим дастур... Булардан қай бирини таржимада бериш мумкин? Аниқлик ифодавийликка,

тўғрилиқ мажозийликка, мантиқ тавсифийликка, қисқаси, шакл мазмунга ҳадеганда вобаста бўлавермайди. Ўша абадий ва азалий таржимавий қурбон, ниманидир орттириш ва нимадандир маҳрум бўлиш муаммолари ҳар қадамда панд бераверади. Таржимон доимий суратда ўт билан сув орасида туради.”³⁷

Қуръони карим таржимаси шу қадар мураккаб бўлгани боис, унга ҳар ким ҳам журъат этолмайди. Бунинг учун жуда катта тайёргарлик ва илоҳий мадад лозим. Ҳар бир таржимон ўз илми даражасида, ўзи тушунган маъноларни беришга ҳаракат қилади. Шу маънода таржималар давомли, бир-бирини тўлдириб боради.

Шунингдек, таржимашуносликда қайта таржимага сабаб бўлувчи омиллар сирасига:

1. Аввалги таржималарнинг луғавий жиҳатдан эскириши. Ҳар қандай таржима вақт ўтиши билан эскиради ва янги замон ўқувчиси уни ўқишга қийналади, тушуниши мушкуллашади.

2. Қониқарсиз амалга оширилгани. Аввалги таржималарнинг савияси пастлиги, талабга жавоб бермаслиги ҳам қайта таржимани зарур қилиб қўяди.

3. Ижодий мусобақа истаги. Ҳар қандай таржимоннинг ҳам буюк сўз усталари “панжасига панжа” ургиси, ўз имконияти, истеъдод кучини синаб кўргиси келади. Ҳар қандай таржима, асарнинг янги бир қиррасини очади. Асар юз марта таржима қилинса, юз хил жаранглаши табиий.

4. Илгари воситачи тил орқали ўгирилган асарни аслият тилидан таржима қилиш кабилар киради.³⁸

Шунингдек, таржима қилинган давр ва таржима кимга мўлжалланганлигини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Жумладан, Саййид Маҳмуд Тарозий (Олтинхон Тўра) китоблари муқаддимасида ёзишича, хориждаги туркистонлак мусулмонлар илтимоси билан таржима қилгани ва

³⁷ Саломов Ғ. Эй умри азиз. 1-китоб. –Т.: Шарқ, 1997. –Б. 219.

³⁸ Очилов Э. Қайта таржима зарурати // Таржима назарияси ва адабий-лисоний алоқалар. Т. 1992. –Б. 24.

таржимада ҳинд уламоларининг таржима ва тафсирларидан фойдаланганлиги айтиб ўтилган. Таржима **таглама** услубида Қуръон оятлари остига сўзма-сўз ўгирилган. Қуйидаги оят таржимаси таглама услубга мисол бўла олади

ثم يأتي من بعد ذلك سبع شداد يأكلن ما قدّمتم لهنّ إلا قليلا ممّا تحصنون (سورة يوسف – ٤٨)

“Кейин келур анинг кетидин етти йил қаттиқки, еб юборур алар учун тўплағонларингизни, эҳтиёт қилғон оз миқдорларингиздин бошқасини.”³⁹

Энди ҳар бир арабий сўз остида берилган таржимани ёнма-ён келтириб ўтсак: ثم – кейин, يأتي – келур, من بعد ذلك – анинг кетидин, سبع – етти (йил), شداد – қаттиқ(ки), يأكلن – еб юборур, ما قدّمتم لهنّ – алар учун тўплағонларингизни, إلا قليلا ممّا تحصنون – эҳтиёт қилғон оз миқдорларингиздин бошқасини.

Кўриниб турибдики, таглама услубдаги таржимада таржима қилинаётган тил қурилиш қоидалари (бош ва иккинчи даражали бўлақлар кетма-кетлиги) эътиборга олинмай, таржима ҳар бир сўзнинг остига муқобил таржимаси келтириш орқали амалга оширилган. Бу усул гарчи ҳозирги ўзбек тили қоидаларига тўғри келмаса-да, Қуръон маъноларини ўрганувчи мадраса талабаларига жуда қўл келиб, шу кунгача фойдаланиб келинмоқда.

Қолган таржимонлар таржималарида эса, ўзбек тили қоидалари асосида ўгирилганини кўриш мумкин:

“Сўнгра, ундан кейин қаттиқ (етти) йил келади ва шу (қаҳатчилик йил) лар учун ғамлаб қўйган захирангизни еб кетади. Фақат озгина асраб қўйганингиздан (қолур).”⁴⁰

Алоуддин Мансур таржимаси **илмий-оммабоп** услубда амалга оширилган. Чунки таржима 1992-93 йиллари “Шарқ юлдузи” журналида нашр

³⁹ Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозий. Ал-қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар. – Т.: Фан, 2002. –Б. 221.

⁴⁰ Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Тошкент ислом университети, 2006. –Б. 241.

этиш жараёнида бир гуруҳ таржимашунос ва адабиётшунослар томонидан таҳрир этилган. Муаллиф асар муқаддимасида баён қилганидек, Қуръон ўта теран мазмунли Китоб эканлигини назарда тутиб, шунингдек, мустақиллик йиллари арафасида ўқувчиларимиз исломий билимлардан анча йироқлашиб қолганини ҳисобга олиб, таржима имкон қадар ўқувчига яқинлаштиришга, енгиллаштиришга ҳаракат қилинган. Шунинг учун оят маъносини таржима қилишдан ташқари, дастлаб ҳар бир сура олдида ўша суранинг қисқача мазмуни, сўнг оятлар таржимаси орасида қавс ичида қисқача изоҳлар, шунингдек, айрим тушуниши ўта мураккаб бўлган оятлар остида алоҳида изоҳлар қўшилган. Таржиман “Юсуф” сураси бошида аввал ушбу суранинг сабаби нузули ва қиссанинг қисқача мазмунини келтириб ўтган. Ички низоларга эса, қуйидаги оят мисол бўла олади.

وكأين من آية في اسماءات والأرض يمرّون عليها وهم عنها معرضون ﴿٥﴾ وما يؤمن أكثرهم بالله إلا وهم مشركون (سورة يوسف – ١٠٥-١٠٦)

Яъни: “Осмонлар ва ерда (*Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига далолат қилувчи*) қанчадан-қанча оят-аломатлар бордир. (*Лекин*) улар бу оятлардан юз ўгирган ҳолларида ўтиб кетаверадилар. Уларнинг кўплари Аллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина имон келтирадилар.”⁴¹

Ушбу оят таржимасидаги “**Аллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина имон келтирадилар**” иборасини қандай тушуниш мумкин. Бу нима дегани? Таржимон ушбу ибора таржимаси остида алоҳида қуйидаги изоҳни келтириб ўтади:

И з о ҳ: Дарҳақиқат, баъзилар ўзлари Аллоҳга имон келтирсалар-да, ҳаётларида ўша Аллоҳ яратган қуёш, ой, олов каби нарсаларга сизиниб ёки ўзларини “худо” фаҳмлайдиган золим ҳокимларга бўйсиниб, уларнинг инсониятни ҳалокатга олиб боровчи “ойдин йўллари”га эргашиб яшаб

⁴¹ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 272.

ўтадилар. Бу оятларда бундай кимсаларнинг мушрик эканликлари уқтирилади ва уларга ногаҳоний бало келишидан ёки Қиёмат қойим бўлишидан илгари ўзларини ўнглаб, Ягона Аллоҳга қайтишлари тавсия этилади.

Шайх Муҳаммад Содик таржимасига келсак, **изоҳли илмий-оммабоп** таржима дейишимиз мумкин. Арабий оят остидан аввал луғавий таржимаси, сўнг унинг мукамал изоҳи шаклида бериб борилган. Баъзи бир ўринларда луғавий таржима қисмида араб тили таъсирида ўзбек тили нуқтаи назаридан айрим ғализликлар учраса-да, изоҳ қисмида тушунарсиз иборалар мазмуни кенг, батафсил шарҳ қилинган. Мисол учун, суранинг биринчи оятига эътибор қаратсак. Аввал оятнинг луғавий маъноси қалин ёзувда берилиб, ўқувчига тушунарли бўлиши учун, тагидан унинг кенг шарҳи келтирилган.

الم تلك آيات الكتاب المبين (سورة يوسف – ١)

Алиф. Лом. Ро. Ушбулар очик-ойдин китобнинг оятларидир.

Алиф, лом, ро каби ўзингизга таниш ҳарфлардан таркиб топган оятлар жамланиб, ушбу очик-ойдин китобни вужудга келтиргандир. Бу китоб ҳарфларининг инсонга ёд бўлган жойи йўқ. Улар араб тилининг ёзув белгилари. Аллоҳ таоло китобини шу ҳарфлар ила араб тилида нозил қилишни ирода қилди.⁴²

Абдулазиз Мансур таржимаси эса, қисман изоҳли таржима ҳисобланади. Мустақилликка эришгач ислом динимизга берилган эркинлик сабабли кўплаб диний адабиётлар, жумладан, Қуръон қиссалари ва Пайғамбарлар қиссалари каби адабиётлар нашр этилди. Ушбу асарлар орқали халқимизнинг диний салоҳияти, маънавий савияси анча юкалиб, Қуръони карим маъноларини тушунишларида кўплаб изоҳларга эҳтиёж сезилмай қолди. Шунинг учун, таржималар ичида энг сўнг амалга оширилган Абдулазиз Мансур таржимасида изоҳлар сезиларли даражада қисқартирилган. Оятларнинг сабаби нузули,

⁴² Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 152.

айрим тушунарсиз сўз ва ибораларнинг изоҳи эса, хошия шарҳ услубида таржима матнидан алоҳида ажратилиб саҳифа остида келтирилган. Шарҳ сўнгида унинг қайси манбадан олингани кўрсатилган. Таржима ва шарҳларнинг оят саҳифаларига мос тушиши, уларни бир саҳифада ёнма-ён берилиши китобдан фойдаланишни янада қулайлаштирган.

Абдулазиз Мансур таржимасида келган хошияли шарҳга мисол қилиб, Юсуф (а.с) укаси Биняминни ўз олдида олиб қолиш учун унинг юки орасига подшоҳнинг тилла қадаҳини солиб қўяди. Карвон кетидан жарчи юбориб, подшоҳнинг қадаҳи йўқолгани айтиб, юкларини текширишини айтишади. Акалари “қадаҳни биз ўғирламадик” дейишса, жарчилар: “агар алдаётган бўлсангиз, ўғирига қандай жозо берасиз” деб сўрашади. Шунда акалари:

قالوا جزؤه من وجد في رحله فهو جزؤه ۛ كذلك نجزي الظالمين (سورة يوسف – ۷۵)

Улар дедилар: “Унинг жазоси, кимнинг юки орасидан топилса, шунинг ўзи унинг жазосидир. Бизлар зулм (ўғирлик) қилувчи кимсаларни худди шундай жазолаймиз.”*

75-оят. Яқуб (а.с) шариатида тутилган ўғрининг жазоси бир йил муддатга қулликда хизмат қилдириш эди. Шу жазо қўлланилгач, Бинямин укаси ҳузурида қолишга рози бўлди. Бундан ўша даврда Мисрда хорижлик киши жиноят қилса, унинг ўз юрти қонуни бўйича жазолаш жоиз бўлгани ҳам маълум бўлади.

Шоҳнинг жорий ҳукми ўғирланган нарсани икки баробар миқдорида ўғридан ундириб олиш эди. Агар Юсуф (а.с) бу ҳукмни қўллаганида укасини олиб қололмас эди. (Мд.)⁴³

Кўриниб турибдики, ҳар бир таржима ўзига хос услубда амалга оширилган. Ҳақиқатдан ҳам, Қуръон оятларининг маънолари чексиздир. Шунинг учун Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом даврларидан то бугунги кунимизга

⁴³ Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Тошкент ислом университети, 2006. –Б. 244.

кадар дунё тилларига узлуксиз равишда таржима, тафсир ёки таъвил қилиниб келинмоқда. Таржима ва тафсирлар орасида маълум даражада фарқли қарашлар, турли ёндашувлар борки, бир даврнинг ўзида кўплаб муаллифлар томонидан қайта-қайта таржима қилинмоқда. Ҳар бир таржимоннинг ҳам ўзига хос индивидуал услуби борки, таржималарни ранг-баранглигини таъминлайди. Биз ҳам тадқиқотимиз давомида, тафсир ва таржималарни қиёслаш чоғида айрим услубий фарқларга гувоҳ бўлдик. Ушбу услубий фарқларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргандик:

Биринчиси, оят маъноларининг изоҳида турлича ёндашувлар. Бунда баъзи оятларнинг маънолари таржимонлар томонидан турлича талқин қилинган.

Иккинчиси, баъзи сўзларнинг фарқли таржимаси. Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида Юсуф сурасидаги келган айрим сўзларни таржимонлар бошқа-бошқа маъноларда ўгиришгани гувоҳи бўламиз. Уларнинг барчасини бирма-бир келтириб ўтиш имкони бўлмагани боис, тадқиқотимизнинг илова қисмида ушбу сура таржимасида баъзи сўзлар таржимасида таржимонлар томонидан фойдаланилган синонимлар ҳамда фарқли маънода ўгирилган калималар жадвали келтирилди.

Учинчиси, баъзи оятларнинг қайси персонаж нутқи эканидаги фарқлар. Бунда, суранинг 52, 53-оятлари таржимасида айтилган гаплар кимнинг нутқи эканида таржимонларнинг турлича қарашлари келтириб ўтилган.

Қуйида Юсуф сураси таржималарида учраган услубий фарқланиш жиҳатидан ушбу гуруҳларга кирувчи баъзи мисолларга тўхталиб ўтсак.

Аввало, оят маънолари изоҳида таржимонларни фарқли услубда ёндашувига қуйидаги мисолни келтиришимиз мумкин:

Юсуф (а.с)ни акалари қудукқа ташлаб, кечқурун оталари хузурига йиғлаб келдилар. Уни бўри еб кетди деб, далил сифатида Юсуфнинг кўйлагини кўй қонига бўяб келтиришди. Шунда Яъқуб (а.с)

بل سولت لكم أنفسكم أمرا ۞ فصبر جميل والله المستعان علي ماتسفون (سورة يوسف – ۱۸)

Яъни: “Йўқ, сизларга ҳавои нафсларинг бирон (*ёмон*) ишни чиройли қилиб кўрсатган. **Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир.** Сизлар сўзлаётган бу нарса (*айрилиқ-мусибат*) устида мадад сўраладиган Зот Ёлғиз Оллохдир.”⁴⁴ Оятдаги *فصبر جميل* ибораси таржималарида таржимонларнинг фарқли услубда ёндашувини кўришимиз мумкин.

“Энди **чиройли сабр**(дан бошқа чорам йўқ)”(Шайх Муҳаммад Содиқ)

“Энди (менинг ишим) **чиройли сабр қилмоқдир.**” (Алоуддин Мансур)

“**Бас (менинг бурчим) чиройли сабрдир.**”(Абдулазиз Мансур)

“Энди **сабр яхшироқдир.**”(Олтинхон Тўра).

Шайх Муҳаммад Содиқ таржимасида Яъқуб (а.с) бошига тушган улкан мусибатга чорасизлигидан **сабрга мажбурлиги** тушунилса, Абдулазиз Мансур таржимасида бундай вазиятда **сабр қилиш бурч, вазифа** эканлиги талқин этилган. Алоуддин Мансур эса, бошга тушган бундай бало-мусибатга **қиладиган иш сабр** экани, Олтинхон Тўра таржимасида бундай ҳолатда бошқа ишлардан кўра **сабр яхшироқ** экани тушунилади. Таржималар ичида ўзбек ўқувчисига энг тушунарлиси Олтинхон Тўранинг “*Энди сабр яхшироқдир.*” ва Мавлавий Ҳиндистоний домланинг “*Энди мен учун худонинг ҳукмига рози бўлиб, яхши сабр қилишдан бошқа чорам йўқ*” изоҳли таржималарида деб ҳисоблаймиз. Сабаби қолган таржималарда аслият таъсири кучлироқ кўриниб турибди. Айнан арабларда сабрга нисбатан ишлатиладиган “*чиройли сабр*” ибораси ўзбекларда учрамайди.

Бошқа тилларга ўгирилган таржималарда ҳам шу маънодаги таржималарни кўришимиз мумкин.

“*Лучше проявить терпение*” (Кулиев Эльмир)

“*Но - терпение прекрасное...*”(Крачковский)

⁴⁴ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 261.

“But patience is good” (М.Ҳ. Шокир)

“(For me) patience is Most fitting” (Юсуф Али)

“Artık bana düşen, güzelce sabretmek” - “Энди менинг ишим **чиройли сабр** қилишдир”.

Иккинчи мисол, Юсуф(а.с) зиндонда подшоҳнинг соқий ва новвойи сўраган тушларининг таъбирини айтгач, сўзининг охирида шундай дейди:

قضي الأمر الذي فيه تستفتيان (سورة يوسف – ٤١)

Яъни: *“Сизлар билмоқчи бўлган иш битди.”*⁴⁵ Ушбу оятни таржимонлар икки хил маънода ўгиришган. Шайх Муҳаммад Содиқ ва Абдулазиз Мансур таржималарида, Юсуф (а.с) новвой ва соқий сўраган тушнинг таъбирини айтиб, сўзини ниҳоясига етгани тушунилади *“Сизлар жавобини сўраган иш (туш таъбири) тугади.”*⁴⁶

Алоуддин Мансур, Олтинхон Тўра ва Мавлавий Ҳиндистоний домла таржималарида эса, Юсуф (а.с) нонвой ва соқий тушига қилган таъбири Аллох тамонидан ҳукм қилингани ва унинг ҳеч қачон ўзгармаслиги маъноси талқин этилган.

*“Сизлар таъбир сўраётган иш битти (яъни, энди бу таъбирим ҳеч қачон ўзгармайди.)”*⁴⁷ (Алоуддин Мансур)

“Ҳукм бўлиб бўлгандур”,⁴⁸ (Олтинхон Тўра)

“Сўраган тушларингизнинг таъбири айтганимдек муқаррар бўлди”.
(Мавлавий Ҳиндистоний)

“Дело, о котором вы спрашивали, уже предрешено” (Кулиев Эльмир)

“Решено дело, о котором вы спрашиваете!” (Крачковский)

“The matter is decreed concerning which you inquired” (М.Ҳ. Шокир)

⁴⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ,2008. –Б. 174.

⁴⁶ Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Ўқитувчи, 2006. –Б. 240.

⁴⁷ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 265.

⁴⁸ Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозий. Ал-қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар. –Т.: Фан, 2002. –Б. 220.

“(So) hath been decreed that matter whereof ye twain do enquire” (Юсуф Али)
Насафий тафсирида шу маънода изоҳланган.

أي قطع تم ما تستفتيان فيه من أمركما وشأنكما أي ما يجر إليه من العاقبة
وهي هلاك أحدهما ونجاة الآخر⁴⁹

Яъни, “Сизлар ишларингиз ва ҳолатингиз ҳақида таъбири сўраётган нарса (яъни унинг оқибати қандай бўлиши) қатъий қилинди. У ҳам бўлса, иккингиздан бирининг ҳалок бўлиши ва бошқасининг нажот топишидир. ”

Демак, юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, таржималар ичида Алоуддин Мансур, Олтинхон Тўра ва Мавлавий Ҳиндистоний домлаларнинг таржималари бизнингча маъно жиҳатдан кўпроқ уйғун ҳисобланади.

Яна бир мисол, Яъқуб (а.с) бутун аҳли аёллари билан Мисрга бориб, шаҳар четида кутиб турган ўғли Юсуф (а.с) ҳузурига киради.

فلما دخلوا علي يوسف اءاوى إليه أبويه وقال ادخلوا مصر إن شاء الله ءامنين (سورة يوسف – ٩٩)

Яъни: “Бас (шаҳар таиқарисида чодирда кутаётган) Юсуфнинг ҳузурига кирганларида, у ота-онасини ўз бағрига босди ва “иншаоллоҳ, Мисрга тинч-омон келгайсиз”, – деди.”⁵⁰

Оятдаги *ءاوى إليه أبويه* ибораси таржимасида ҳам фарқли услубда ёндашувни кўришимиз мумкин.

“У ўзини ота-онаси қучоғига отди.” (Алоуддин Мансур).

“У ота-онасини бағрига босди” (Абдулазиз Мансур).

“У ота-онасини ўзига яқинлаштирди.” (Шайх Муҳаммад Содик).

“Ўз ёнидан жой берди ота-онасига” (Олтинхон Тўра).

“Ота-онасини ўз даргоҳига жойлаштирди” (Мавлавий Ҳиндистоний).

Ави сўзи луғатда “бошпана бермоқ, бошпана билан таъминламоқ, кўчириб бориб жойлаштирмоқ, яширмоқ”⁵¹ маъносида келган. Луғавий жиҳатдан

⁴⁹ عبد الله بن أحمد النسفي. مدارك التنزيل. الجزء الثاني. ١٩٨٨. ص - ٢٢٣

⁵⁰ Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Ўқитувчи, 2006. –Б. 247.

Олтинхон Тўра ва Мавлавий Ҳиндистоний домла таржималари аниқроқдек кўринса-да, кўплаб тафсирларда, жумладан, Насафий тафсирида **ضمّ إليه** яъни, “уларни бағрига босиб кучоқлади” тарзида изоҳланган.⁵²

Туркча таржималарда ҳам “*ота-онасини бағрига босди, кучоқлади*” маъносида ўгиришган. Кулиев Эльмир “*он прижал к себе родителей*” тарзида таржима қилган. Ўзбекча таржималар ичида энг чиройлиси Алоуддин Мансур таржимаси деб ҳисоблаймиз.

Иккинчиси, сурадаги баъзи сўзлар (калималар) таржимаси таржимонлар томонидан фарқли маънода ўгирилиши. Бунга мисол қилиб,

Зулайхонинг қулоғига шаҳар аёллари уни ғийбат қилишиб, ҳар хил миш-мишлар тарқатишаётгани етиб борди. Шунда уларни зиёфатга чақиради.

فلما سمعت بمكرهنّ أرسلت إليهنّ وأعدت لهنّ متّكناً

وآاتت واحدة منهنّ سكينا (سورة يوسف – ۳۱)

Яъни: “*У уларнинг макри ҳақида эшитган вақтда, уларга одам юбориб чақирди. Уларга суяниб ўтирадиган жой тайёрлади. Ва ҳар бирларига пичоқ берди.*”⁵³

Оятдаги **متّكناً** сўзини Шайх Муҳаммад Содик, Алоуддин Мансур ва Мавлавий Ҳиндистоний “*суяниб ўтирадиган жой*” деб таржима қилишган. Абдулазиз Мансур “*суянчиқ (таом ва мева)*” тарзида, Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмад “*таом*”, Олтинхон Тўра эса “*мажлис*” деб таржима қилган. Насафий тафсирида **ما يتكئن عليه من نمارق**⁵⁴ *ёстиққа ўхшаи суяниладиган нарса* маъносида изоҳланган.

⁵¹ Юсупов М. ва б. Ан-наъим арабча-ўзбекча луғат. –Т. 2002. –Б. 39.

⁵² عبد الله بن أحمد النسفي. مدارك التنزيل. الجزء الثاني. ۱۹۸۸. ص - ۲۳۷

⁵³ Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 167.

⁵⁴ عبد الله بن أحمد النسفي. مدارك التنزيل. الجزء الثاني. ۱۹۸۸. ص - ۲۱۹

Яна бир мисол, Юсуф (а.с) подшоҳнинг тушуни таъбир қилиб, етти йил серобчилик ва ундан кейинги етти йил қаҳатчилик бўлишини айтади. Ундан кейин келадиган бир йилни оятда шундай таърифлайди.

ثُمَّ يَأْتِي مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ عَامٌ فِيهِ يُغَاثُ النَّاسُ وَفِيهِ يَعْصُرُونَ (سورة يوسف – ٤٩)

Яъни: “Сўнгра, ундан кейин бир йил келиб, одамлар унда ёмғирга сероб бўлурлар ва унда (мевалардан) шарбат олурлар”.⁵⁵

Араб тилида *يُغَاثُ* феъли икки хил ўзакдан олиними мумкин. Агар феълнинг ўрта ўзаги **вов** (яъни *الغوث* ёрдам бермоқ, қутултирмоқ, сақлаб қолмоқ) деб олсак, “инсонлар ўша йили машаққатдан қутқарилади, ёрдам берилади” маъносини; агар ўрта ўзаги **ё** (яъни *الغيث* ёмғир ёғдирмоқ) деб маъно берсак, “ўша йили одамларга ёгингарчилик мўл қилинур” маъносини англатади.⁵⁶ Таржимонларнинг аксарияти иккинчи маънони беришган:

“унда одамлар ёгингарчилик остида қолурлар” (Алоуддин Мансур),

“одамлар унда ёмғирга сероб бўлурлар” (Абдулазиз Мансур),

“халқнинг устига ёмғир ёғади” (Мавлавий Ҳиндистоний),

“унда одамларга хўп ёгин бўлур” (Олтинхон Тўра).

Шайх Муҳаммад Содиқ эса, умумий қилиб “унда одамлар сероб қилинур (ниҳоятда серобгарчилик бўлади)” деб таржима қилган. Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмад эса биринчи (*الغوث*) маъно билан “унда одамлардан қийинчилик кўтарилади” тарзида ўгиришган.

Бошқа тиллардаги таржималарда ҳам биринчи маънони кузатишимиз мумкин.

“Когда людям будет послан дождь” (Крачковский)

“Когда люди получают обильные дожди” (Кулиев Эльмир)

“Halk onda bol yağmura kavuşup rahat edecek” (Нури Ўзтүрк)

⁵⁵ Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Ўқитувчи, 2006. –Б. 241.

⁵⁶ عبد الله بن أحمد النسفي. مدارك التنزيل. الجزء الثاني. ص-٢٢٩.

“Which the people will have abundant wate” (Юсуф Али)

“Which people shall have rain” (М.Ҳ.Шокир)

Ўзбекча таржималар ўзбек тили нуктаи назаридан бир оз ғализроқ чиққан. Биз эса, ўзимизнинг “унда одамларга ёгингарчилик мўл қилинур” вариантимизни таклиф қилган бўлардик.

Учинчидан, Қуръони карим жуда мужаз ва эъжозли бўлгани боис, жуда қисқа ва лўнда. Баъзан таржимада шундай ҳолатлар учрайдики, айтилган нутқ кимга тегишли эканини аниқлаш қийинлашади.

Мисол қилиб, Юсуф сурасининг 52-53-оятларини келтириш мумкин. Миср подшоҳи Юсуф (а.с)нинг заковатини кўриб, уни зиндондан ҳузурига чақиради. Юсуф(а.с) эса, аввал ўзининг бегуноҳлигини исботлаш учун қўлларини кесиб олган аёлларнинг (аҳволини) сўрайди. Подшоҳ уларни чақириб суриштиргач, Юсуф (а.с)нинг беайблиги ошкор бўлади. Зулайхо ўз айбига иқрор бўлади. (50-51-оятларда ушбу ҳодисалар баён қилинган.)

وقال الملك ائتوني به ۞ فلما جاءه الرسول قال ارجع إلي ربك فسنله ما بال النسوة الاتي
قطعن أيديهن ۞ إن ربّي بكيدهنّ علیم ﴿٥٢﴾ قال ما خطبكنّ إذ راودتنّ يوسف عن نفسه ۞ قلن
حاشا لله ما علمنا عليه من سوء ۞ قالت امرأت العزيز الآن حصحص الحق أنا راودته عن نفسه
وإنه لمن الصادقين (سورة يوسف – ٥٢-٥١)

Яъни: *(Соқий подшоҳнинг ҳузурига қайтиб, унинг кўрган тушини Юсуф қандай таъбир қилганини айтгач), подшоҳ деди: “Уни мени олдимга келтирингиз!” Қачонки (Юсуфнинг олдига), шоҳ элчиси келгач, у: “Хожсангнинг ёнига қайтиб бориб (аввал) ундан ўз қўлларини кесган аёллар нима бўлганини сўра! Албатта Парвардигорим уларнинг макрларини Билгувчидир”, деди. (Шунда подшоҳ у аёлларни тўплаб) деди: “Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақтингизда нима бўлган эди (яъни, у ҳам сизларга майл кўрсатганмиди)?” (Аёллар) айтдилар: “Аллоҳ сақласин! Бизлар ундан бирон ёмонликни*

сезмаганмиз”. (Миср шахри) ҳокимининг хотини (Зулайхо) деди: “Мана энди ҳақиқат тантана қилди. Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У, шак-шубҳасиз, ростгўй зотлардандир”.

Бундан кейинги 52-53-оятлар кимнинг сўзи экани тафсир ва таржималарда икки хил талқин қилинган. Сабаби, Зулайхонинг эътирофидан сўнг келган бу оятларда кимнинг нутқи эканини аниқловчи аниқ белги-аломат берилмаган.

ذلك ليعلم أني لم أخنه بالغيب وأن الله لا يهدي كيد الخائنين ﴿٥٢﴾ وما أبرئ نفسي ۖ إنَّ النفس
لأمارة بالسوء إلا ما رحم ربي إنَّ ربي غفور رحيم (سورة يوسف – ٥٢-٥٣)

Шайх Муҳаммад Содик таржимасида, Зулайхонинг ўз айбини эътирофи давоми тарзида таржима қилган. Яъни:

“Бу, мен унга йўғида орқасидан хиёнат қилмаганимни, албатта Аллоҳ хоинларнинг макрини тўғрилиқка йўлламаслигини билиши учундир. Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка ундовчидир. Албатта, Роббим мағфиратли ва билгувчи Зотдир” – деди.⁵⁷

Шунингдек, Юсуф Алининг инглизча таржимасида, Оятуллоҳ Шерозийнинг форс тилига қилинган таржимада,⁵⁸ Кулиев Эльмирнинг русча таржимаси, Нурий Ўзтуркнинг туркча таржимасида ҳам ушбу оятлар Зулайхонинг нутқи тарзида ўгирилган. اعراب القرآن الكريم وبيانه китобининг “Балоғат” қисмида ҳам турли тафсирларда фарқли қарашлар борлигини келтириб, аксар балоғатчилар бу нутқ Зулайхонинг сўзи эканини афзал кўришгани таъкидланган.⁵⁹

Алоуддин Мансур, Абдулазиз Мансур, Олтинхон Тўра, Мавлавий Ҳиндистоний, Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмад таржималарида эса, ушбу оятлар Юсуф (а.с) нутқи бўлиб келган.

⁵⁷Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ,2008. –Б. 179-180.

⁵⁸ القرآن الكريم. بترجمه فارسي. آية الله العظمى مكارم شيرازي. رسول. قم. ص-241

⁵⁹ محي الدين الدرويش. اعراب القرآن الكريم وبيانه. مجلد الثالث. دار اليمامة. دمشق بيروت. ٢٠٠٣. ص-٥٥٣

(Шундан кейингина Юсуф деди): “Буни мен (Миср азизи) зоиблигида унга хиёнат қилмаганимни ва Аллоҳ (Зулайхо ва аёллардек) хиёнатчилар макрини раво қилмаслигини (Азиз ёки шоҳ) билиши учун (қилдим). Нафсимни оқламайман. Зеро, нафс ёмонликка ундовчидир. Фақат Роббим раҳим қилганлар бундан мустасно. Албатта, Роббим кечиримли ва раҳимли зотдир.”⁶⁰

Шунингдек, ушбу оятлар Муҳаммад Асад ва Ҳамди Язирнинг туркча таржималарида, Крачковскийнинг рус тилидаги таржимасида⁶¹ ва кўплаб диний адабиётларда ҳам Юсуф (а.с) нутқи бўлиб келган. Насафий тафсирида аввал Юсуф (а.с) нутқи тарзида изоҳланган.⁶²

Арабча тафсирларда муфассирлар ушбу оятлар тафсирида икки хил ёндашув борлиги ҳақида изоҳ берилган. Лекин биз қиёслаётган ўзбекча маъно таржима ва тафсирларида бу изоҳни учратмаймиз. Фақат уларни қиёслаш чоғидагина бундай икки хил маъно ёндашуви мавжудлигини билишимиз мумкин.

Таржимада шундай ўринлар бўладикки, ҳар хил услубда ижод қилувчи таржимонлар бир иборани бир хил таржима қилишади. Чунки у иборанинг энг яқин эквиваленти, ўша тилдаги энг мукамал таржимаси шу эканини кўрган таржимон бошқа сўз танлаши ортиқча уриниш ҳисобланади. Масалан:

Юсуф акалари ундан қутулиш мақсадида уни ўлдиришмоқчи бўладилар. Лекин ичларидан бириси бу қабихликни кўтара олмай, бу гуноҳдан узоқроқ бир таклиф киритиб:

(سورة لا تقتلوا يوسف و ألقوه في غيابت الجبّ يلتقطه بعض السيارة إن كنتم فاعلين

يوسف – ۱۰)

⁶⁰ Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Ўқитувчи, 2006. –Б. 241-242.

⁶¹ И. Ю. Крачковский. Коран. Москва. 1991. –С.148.

⁶² عبد الله بن أحمد النسفي. مدارك التنزيل. الجزء الثاني. ص-۲۲۶

Яъни: “Юсуфни ўлдирманглар, балки агар (ундан қутулиш учун) бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи карвонлар олиб кетсин.”⁶³

Оятдаги **غياب الجب** иборасини кўпчилик таржимонлар “қудуқ қаъри” деб ўгиришган. Араб тилида **غيابة** сўзи луғавий “чуқурлик, ост”⁶⁴ маъноларини англатади. Таржимонлар “қудуқ остига, чуқур қудуққа ташланг” деб таржима қилмай, ўзбек тилида ҳам араб тилида ҳам кўп ишлатиладиган “қудуқ қаърига ташланг” тарзда моҳирона ўгиришган. Насафий тафсирида ҳам ушбу иборани **قعر البئر** (қудуқ қаъри) шаклида изоҳланган. Фақат Мавлавий Ҳиндистоний домла “уни суви йўқ қоронғу қудуққа ташланглар” деб изоҳли маъно берган.

Яна бир мисол, Подшоҳ тушини ўз аъёнларига айтиб, улардан тушининг таъбирини сўрайди. Аъёнлар бу тушнинг таъбирини билмасликларини эътироф этиб,

أضغاث أحلام ۞ وما نحن بتأويل الأحلام بعالمين (سورة يوسف – ٤٤)

Яъни: “Бу алғов-далгов тушдир. Биз бундай тушларнинг таъбирини билувчи эмасмиз”, – дедилар.⁶⁵

Оятда подшоҳнинг туши **أضغاث أحلام** ибораси билан берилган. Араб тилида **أضغاث** деб “хўлу қуруқ аралаш ўт боғлами”га айтилади. **أحلام** эса, **حلم** нинг кўплиги (жами) бўлиб “уйқуда кўрилган бўш хаёл” маъносида ишлатилади. Таржимонларнинг ҳар бири ушбу иборани бир неча синонимларини маҳорат билан топиб ишлатишган.

“Бу алғов-далгов тушдир.” (Шайх Муҳаммад Содик)

“Бу алоқ-чалок тушлар экан.” (Алоуддин Мансур)

“(Бу) чалкаш тушлар.” (Абдулазиз Мансур)

⁶³ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 260-261.

⁶⁴ Юсупов М. ва бошқалар. Ан-наъим арабча-ўзбекча луғат. Т. 2002. –Б. 601.

⁶⁵ Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 175.

“Бу нарсалар **паришон** хаёллардир.” (Олтинхон Тўра)

“Бу **узук-юлуқ** тушлардир” (Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмад)

Бошқа тилларга қилинган таржималарга ҳам эътибор қаратсак.

“*Anlaşılması zor, karmaşık rüyalardan biri bu*” (Муҳаммад Асад) - “тушуниш қийин, чалкаш тушлардан бири бу”

“*Rüya dediğin, demet demet hayallerdir*” (Ҳамди Язир) – “туш деб айтаётганинг, тўп-тўп хаёллардир”

“*Пучки снов!*”, (Крачковский)

“*Это – бессвязные сны!*” (Кулиев Эльмир)

“*A confused medley of dreams*” (Юсуф Али)

Ҳар қандай мукамал таржимада ҳам айрим камчиликларнинг учраши табиий. Инсон хатодан ҳоли бўлмайди. Биз ўрганаётган таржималарда ҳам ўзбек тили нуқтаи назаридан айрим ғализликлар кўзга ташланадики, бу ҳам бўлса, аслият таъсири ёки бошқа сабаблар остида юзага келган. Қуйида бунга бир неча мисоллар кўрсатиб ўтсак.

Юсуф (а.с) акалари оталари Яъқуб (а.с)га қилган барча мурожаатларида يا أبانا тарзида хитоб қилишади. Шайх Муҳаммад Содик, Абдулазиз Мансур, Олтинхон Тўра айнан луғавий “*эй отамиз!*” тарзида таржима қилишган. Бу таржима ўзбек тили нуқтаи назаридан бир оз ғализроқ чиққан. Сабаби ўзбек тилида бундай мурожаат тарзи учрамайди. Алоуддин Мансур ва Мавлавий Ҳиндистоний домла бундай ўринларда “*эй ота, эй отажон!*” деб ўгиришганки, бу айнан ўзбекларга хос мурожаат усули ҳисобланади.

Ёки, жарчилар Юсуф (а.с) акалари ортидан бориб, подшоҳни сув идиши йўқолгани хабарини беришади, улар ўғри эмаслигини айтганида жарчилар: “агар ёлғончи бўлиб чиқсангиз, жазоси нима?” деб сўрашади. Шунда акалари:

جزؤه من وجد في رحله فهو جزؤه ۞ كذلك نجزي الظالمين (سورة يوسف - ۷۵)

Яъни: “Унинг жазоси, кимнинг юки орасидан топилса, ўша кимса жазоланур – кул қилинур. Бизлар (ўзирлик қилиш билан ўзгаларга) зулм қилган кимсаларни мана шундай жазолаймиз”.⁶⁶

Шайх Муҳаммад Содик таржимасида аслият таъсири кўпроқ сезилиб туради. “Унинг жазоси, кимнинг юкидан топилса, ўшадур. Бас, унинг жазоси ўшадур.” Таржимада аслиятда **فهو** “ўшадур” сўзи бир марта, таржимада эса икки марта келтирилган ва сўз қурилиши ҳам бир оз ғализроқ чиққан.

Хуллас, юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, ҳар бир таржимон Қуръони карим маъно таржималарини ўзига хос услубда амалга оширишган. Бир ўринда улардан бирининг таржимаси мукамал кўринса, башқа ўринда иккинчиларининг маҳорати сезилади.

Олтинхон Тўранинг таржимаси тағлама – сўзма-сўз таржима бўлиб, бунда сўзлар ва жумлаларнинг кенг маъноларидан аниқ ва энг яқин битта маъноси берилган. Лекин бунда бадийлик ва услуб юзага чиқмаган. Албатта бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, давр услубини ҳисобга олишимиз лозим. XX аср охирларигача ислом уламолари орасида Қуръони каримни таржима қилиш мумкин ёки эмаслиги ҳақида турли ёндашувлар бор эди. Уларнинг фикрича, “Қуръони карим чексиз маънолари, илоҳий оҳангини бошқа бир тилда ифодалаш мумкин эмас...” Шунинг учун яқин-яқингача Қуръони карим таржималари арабий иборалар остиги сўзма-сўз таржима қилиниб келинган. Олтинхон Тўра таржимаси ҳам шулар жумласидан. Шунингдек, ҳазратнинг таржимаси хорижда яшовчи ватандошларимиз илтимоси билан ёзилган. Узок вақт ўз юртидан йироқда яшаган кишиларнинг тиллари баъзи бир она тили хусусиятларидан узоқлашиши ёки яшаётган жойдаги халқ тилини таъсири сезилиши табиий ҳолат. Шу маънода Олтинхон Тўра таржимасида айрим арабий ибораларни қолиб кетишини шу билан изоҳлаш мумкин.

⁶⁶ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 270.

Алоуддин Мансур таржимаси юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики оммабоп услубда амалга оширилган. Баъзи ўринларда ўқувчига оят маъноларини кенг ва аниқ етказиш мақсадида изоҳлар хаддан зиёда кўпайиб, Қуръонга хос бўлган шаклни (мўъжаз ва лўндаликни) сақлаб қолмаган. Буни замонавий ўзбек тилидаги биринчи таржима экани ва халқнинг собиқ Иттифоқ даврида диний билимлардан анча йироқлашиб қилгани боис, ушбу таржимада диний кўплаб термин ва тушунчаларни изоҳлаш талаб қилингани билан изоҳлаш мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ таржимаси изоҳли тафсир услубида амалга оширилган. Арабий оят остидаги луғавий таржимаси қисмида имкон қадар изоҳларсиз, маъно билан бир қаторда шаклни беришга ҳаракат қилган. Шунинг учун баъзи ўринларда аслият таъсири сезилади. Изоҳ қисмида эса, арабий тафсирлар сингари оятдаги ҳар бир жумлага (баъзан ҳар бир сўзга) алоҳида тафсир ва шарҳ келтириб ўтилган.

Абдулазиз Мансур ўзидан олдинги таржимонлар тажрибасидан фойдаланиб, уларнинг таржималари орқали кўплаб диний сўз ва тушунчалар китобхонларга тушунарли бўлгани учун, унинг таржимасида изоҳлар сезиларли даражада қисқартирилган.

Демак, таржималарни бир неча бўлиши Қуръон карим оятларини янада тўлиқроқ тушунишимизга, ҳар томонлама фикр юритишимизга, тафсирлардаги бир-биридан фарқли маъно ва талқинларни ҳам аниқлашимизга хизмат қилади.

2.2. “Юсуф” сурасидаги ибораларнинг таржимада берилиши

Фразеологик иборалар автор нутқи билан бир қаторда персонажлар нутқида ҳам кўп учрайдиган стилистик приёмлардан бири бўлиб, улар асар қаҳрамонларининг қайси табақага мансублигини, унинг дунёқараши, фикри ва мулоҳазаларини ифодалайди.⁶⁷

Ҳар қандай халқнинг ҳам маънавий-маърифий, ҳам ижтимоий ҳаётида фразеологизмлар кенг қўлланилади. Дастлаб, фразеологиянинг ҳажмини торайтириб, фақат ибораларнинг ўзини ўрганиш лозим деб, мақол, матал ва ҳикматли сўзларни фразеологияга киритмаганлар. Бошқа фикр тарафдорлари эса, иборалардан ташқари, ҳам мақол-маталларни, ҳам афоризмларни фразеологиянинг ҳажми доирасига киритишган. Таржимасунос олим Ғ. Саломов “фразеологизмлар (мақол, матал ва иборалар)нинг маъноси контекст ичида очилади”⁶⁸ деган фикрлари билан қайсидир маънода фразеология чегарасини белгилаб берган.

Фразеологизмлар ичида энг кўп ишлатиладигани ибора – бу, маълум бир тилга хос бўлган, қисмларга ажрамайдиган сўз бирикмаси; иборанинг маъноси уни ташкил этган сўзлар маъносига тобе эмас.

Иборага хос белгилар:

1. ...маълум бир тилга хос бўлиб, унга ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган нутқ оборотидир.
2. бирикманинг барқарорлиги (турғунлиги);
3. бирикманинг мажозий маъно бериши;
4. бирикманинг семантик бутунлиги.⁶⁹

Мазкур таърифдан фразеологик бирикма (ибора)ларнинг оддий сўз бирикмалардан ажралишининг тўрт асосий белгиси аниқланади: фразеологик

⁶⁷ Шарипов Ж. Бадиий таржиманинг актуал масалалари. –Т.: Фан, 1997. –Б. 78.

⁶⁸ Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1983. –Б. 118.

⁶⁹ Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1983. –Б. 117.

бирикмаларнинг маълум бир модел асосида ясалмаслиги; кўчма маънода келиши; турғунлиги ва икки ёки ундан кўп мустақил сўзлардан ясаши.

Маълумки, ҳар бир ёзувчи асар мазмунини бойитиш, персонажлар ва ўз нутқини равон тилда ифодали ва образли баён этиш учун тил фразеологизмларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилади. Худди шундай ибораларни илоҳий китоб Мусҳафи Шарифда ҳам кўплаб учратишимиз мумкин. Биз тадқиқотимизнинг ушбу бобида “Юсуф” сурасида келган иборалар таржимаси қай даража ўз аксини топганлигини кўриб чиқсак.

Албатта, барча фразеологизмлар таржимаси бадиий таржиманинг энг қийин масалаларидан ҳисобланади. Фразеологизмлар таржимасига хос хусусият шуки, фразеологик бирикманинг маъноси унинг компонентларнинг маъносидан устун туради. Шу сабабли уларни компонентлар маъносига қараб эмас, бирикманинг умумий маъносидан келиб чиқиб таржима қилиш керак.

Фразеологизмларнинг таржимаси борасида инглиз тилшунослигида айнан шу мавзуда кўплаб муаммоларни ёритиб берган А. В. Кунин қуйидаги таржима усулларини илгари суради:

1. Фразеологик бирикмалар ёрдамида таржима қилиш.
2. Ўзгарувчан ва турғун сўз бирикмалари ёрдамида.
3. Оғзаки ва ёзма ижодиётда қўлланиладиган эквивалентлар ёрдамида.
4. Аралаш таржима.⁷⁰

Таржимашунос олим Ғ. Саломов эса “Таржима назарияси асослари” китобида фразеологизмлар таржимасининг уч усулини келтириб ўтган:

1. Ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам маъновий тарафдан айнан мувофиқ келадиган *мутлақ эквивалент*лар ёрдамида (бу эса жуда кам).

⁷⁰ Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. Советская энциклопедия. М. 1967. –С. 8-11.

2. Асарда тасвирланаётган воқеалар мазмуни, объект, миллий муҳит ва услуб хусусиятига кўра, ўз тилида *муқобил* ёки *монанд бирикмалар* топиш орқали.

3. *Сўзма-сўз таржима қилиш* йўли билан.⁷¹

Маълумки, бир-биридан ҳатто тубдан, яъни ҳам маънан, ҳам диний, ҳам масофа, ҳам руҳан фарқ қилувчи халқларда ҳам бундай ўхшаш фразеологизмлар учраб туради. Бирок, биз ўзбек ва араб миллатларини бундай халқлар сирасига кирита олмаймиз. Сабаби қадим замонлардан аجدодларимиз билан араб халқи ўртасида дўстлик ришталари мавжуд бўлиб, айниқса илм-маърифат бобида бу алоқа улкан самарасини берган. Шунинг учун ҳам ҳар икки халқ тилларида шаклан турлича бўлса-да, мазмунан айнан бир маънони ифода этувчи кўплаб тенг эквивалентли иборалар учраши бежиз эмас.

Дастлаб, шу каби тенг эквивалентли ибораларга мисол келтирсак. Масалан, араб тилида мавжуд бўлган *جعل عاليها سافلها* иборасини олсак. Ўзбек тилида ҳам айнан шу маънони ифода этувчи *“остин-устун қилмоқ”* ибораси мавжуд. Ушбу иборани араб тилининг асл манбаси ҳисобланган илоҳий китоб Қуръони каримнинг икки сурасида ҳам кўришимиз мумкин (Ҳуд сураси 82-оят ва Ал-Ҳижр сураси 74-оят).

فلما جاء أمرنا جعلنا عاليها سافلها و أمترنا عليها حجارة من سجيل منضود (سورة هود - ٨٢)

Яъни: *“Амримиз келган пайтда у ўлкани остин-устун қилдик ва устидан кетма-кет сопол тошларни ёғдирдик.”*⁷²

Ёки, ишнинг осонлигини, бирор-бир ҳолатнинг енгил кечганлигини англатиш учун араб тилида қўлланиладиган *الشعرة من العجين* ибораси ўзбек тилида айнан *“хамирдан қил сузургандек чиқмоқ”* ибораси билан ишлатилади.

⁷¹ Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1983. –Б. 118.

⁷² Шайх Муҳаммад Содиқ. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 127.

Табиийки, бу оламда яшаган ва яшаётган инсонларнинг умумий ижтимоий ҳаёт чегарасидаги ички кечинмалари, ўйлари бир-бирига уйғун тушишини тўғри қабул қилиш керак. Масалан, кўплаб мақол ва маталлар қатори иборалар ҳам – кувонч, ҳайрат ва шубҳа каби мазмунларга эга бўлади. Ўзбек тилида бундай ҳолларда кўпроқ инсон тана аъзолари номлари қўлланилади ва мана шу хусусият нафақат бизнинг халқимизда, балки араб халқларида ҳам мазкур ҳолат мавжудлигини ўрганаётганимиз Юсуф сурасида келган баъзи намуналардан билиб олишимиз мумкин.

Мутаржимларнинг таржималарида ибораларни бериш услубига кўра, иборалар таржимасини қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргандик:

- А) **иборани ибора билан ўгириш;**
- Б) **иборани оддий сўз бирикмаси билан ўгириш;**
- В) **оддий сўзларни иборалар ёрдамида таржима қилиш.**

Биринчиси. Оятларда келган арабча ибораларни ўзбек тилидаги муқобил ибораси билан таржима қилиниши. Бунга мисол қилиб,

Шаҳар аёллари Зулайхонинг ўз қулини йўлдан урмоқчи бўлганини эшитиб, ҳар хил миш-мишлар тарқатишди.

وقال نسوة في المدينة امرأت العزيز تراود فتاها عن نفسه ۞ قد شغفها حبًا
إنا لنراها في ضلال مبين (سورة يوسف - ۳۰)

Яъни, шаҳардаги аёллар: “Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди. Унга жуда ҳам муҳаббат қўйиб қолган экан-да! Биз у (аёл)ни, албатта, очиқ-ойдин адашувда деб биламиз” – дейишди.⁷³ Оятда уларнинг ғийбати *قد شغفها حبًا* ибораси билан берилган.

Ўзбек тилида севги-муҳаббат маъносини англатувчи *севиб қолмоқ, ошиқ(у беқарор) бўлмоқ, яхши кўрмоқ, ҳажрида ёнмоқ, муҳаббат боғламоқ, меҳр қўймоқ, ишқида ёнмоқ, ишқи тушмоқ* каби феъллар мавжуд. Лекин халқ

⁷³ Шайх Муҳаммад Содиқ. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 66.

орасида, айникса ҳар хил гапларни бўрттириб тарқатиш одати бўлган аёллар оғзида кўп ишлатиладиган иборалар борки, таржимонлар ушбу иборани айнан ўзбек тилидаги муқобилини топа олишган:

“*Роса юрагидан урибди-да!*” (Алоуддин Мансур)

“*Юрагидан уриб қўйибди*”, (Абдулазиз Мансур)

“*Юрагидан уриб қолган экан-ку. Уни кўрмаса туролмас экан*” (Шайх Муҳаммад Содиқ таржимаси шарҳида)

“*Аёлнинг қалбини муҳаббат ҳақиқатдан чулғабди*” (Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмад). Бу уларнинг маҳоратидан десак, хато бўлмайди.

Насафий тафсирида ушбу ибора шундай изоҳланган:

یعني خرق حبه شغاف قلبها حتي وصل إلي الفؤاد яъни: “*унинг муҳаббати қалб қобигини ёриб, юракка етиб борибди.*” Бошқа тилларга қилинган кўплаб таржималарда ҳам таржимонлар шу маънони ифодаловчи муқобил иборалардан фойдаланишгани гувоҳи бўлдик.

“*Tutkudan yüreği paralanmış kadının*” (Муҳаммад Асад) яъни: “Севгидан аёлнинг юраги ёрилибди”

“*Onun aşkından yüreğinin zarı çatlamış*” (Ҳамди Язир) яъни: “унга ошиқлигидан юрагининг ўти ёрилибди”.

“*Он наполнил ее любовью.*” (Крачковский) Яъни: “аёл унинг муҳаббати билан тўлиб тошди.” Бу ерда *тўлиб тошмоқ* феъли кўчма маънода қўлланилган.

Таржимонлар ўз илмий даражаси, таржима қилиш услубига кўра маъно беришга ҳаракат қилишлари табиий. Оятларда келган арабий иборалар таржимасини баъзан бир таржимон ўзбекча муқобилини топиб қўллаган бўлса, қолганлари эса маъно таржимаси ёки луғавий таржима билан чекланганлар. Қуйида бунга баъзи намуналарни кўриб чиқсак.

Юсуф (а.с) акалари отасининг Юсуфга бўлган муҳаббатини кўролмай ундан қутулиш мақсадида маслаҳатлашди. Қутулиш чораси уни ўлдириш ёки

узоқ ерга олиб бориб ташлаш деб ҳисоблашди. Шундагина усиз отасининг муҳаббатига эришмоқчи бўлишади.

سورة) اقتلوا يوسف أو اطرحوه أرضا يخل لكم وجه أبيكم وتكونوا من بعده قوما صالحين
(يوسف - ۹

Яъни: “Юсуфни ё ўлдиришлар ёки бирон ерга олиб бориб ташланглар, (шундагина) оталарингиз фақат сизларга **боқар**. Кейин эса (тавба-тазарруъ қилиб) яхши қавм бўлиб олурсизлар.”⁷⁴

Оятдаги *يخل لكم وجه أبيكم* иборасининг айнан луғавий маъносини Шайх Муҳаммад Содиқ таржимасида акс эттирган “*Шунда отангизни юзи сизга холи қолар.*”

Алоуддин Мансур таржимасида “*Оталарингиз фақат сизларга боқар*” тарзда маънодан келиб чиқиб таржима қилган. Насафий тафсирида “*юз*” сўзи *اقبال* *олдига келмоқ, яқинлашиши, қизиқиши* маъносида эканлиги изоҳланган. Яъни, муҳаббати фақат сизларга қаратилади. Оятда айнан “*юз*” сўзининг келиши уларнинг *олдига келиши, яқинлашиши* маъносини тасвирлаш учундир. Чунки инсон бирор нарса олдига келса, юзи билан қараб боради. Мавлавий Ҳиндистоний домла ҳам маъно жиҳатдан “*Шундагина отангизнинг муҳаббати сизларга хос бўлади*” тарзида ўгирган.

Шунингдек, “*юз*” сўздан мақсад *الذات* яъни “*ўзи*”, “*зоти*” ҳам бўлиши мумкин. Чунончи, ар-Раҳмон сурасидаги *وجه ربك* яъни: “*Парвардигорингни Юзи – Ўзигина боқий мангу қолур*” оятида ҳам “*юз*”дан мурод “*Ўзи*”, “*Зоти*” эканига гувоҳ бўламиз.⁷⁵ Шу маънода Абдулазиз Мансур таржимасида “*Шунда отангизни ўзи сизларга қолур (яъни фақат сизларга меҳр кўяр)*”, Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмад “*Отангиз холис сизларга бўлсин*” деб таржима қилишган.

⁷⁴ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 260.

⁷⁵ عبد الله بن أحمد النسفي. مدارك التنزيل. الجزء الثاني. ص-۲۱۳

Бошқа тилларга қилинган таржималарда ҳам юқоридаги маъноларни кўришимиз мумкин.

“Тогда лицо вашего отца целиком будет обращено к вам.” (Кулиев Эльмир),

“Тогда обратится к вам лицо вашего отца” (Крачковский)

“Babanızın ilgisi yalnız size yönelsin” (Нурий ўзтурк) - “отангизни эътибори фақат сизга қаратилсин”,

“Böylece babanız sevgi ve alakasıyla yalnızca size kalsın” (Муҳаммад Асад) - “шунда отангизнинг муҳаббат ва алоқаси фақат сизларга қолади.”

“So the favour of your father may be given to you alone” (Юсуф Али)

“So that your father's regard may be exclusively for you” (М. Ҳ. Шокир)

Энди, ушбу иборанинг бошидаги луғавий маъносига қайтсак. Олтинхон Тўра ҳам таглама услубда айнан луғавий маъноси билан таржима қилган. “Холи бўлсин сизларга оталарингизни юзи”. Араб тилидан беҳабар ўзбек ўқувчиси *“Шунда отангизни юзи сизга холи қолар”* иборасини ўқиганда тасаввурига нима келиши мумкин? Агар бундан олдинги оятларда акалари отасининг Юсуфга бўлган муҳаббатини кўролмай ундан қутулиш чорасини қидиришаётганини тушунмай ёки контекстан ажратиб ўқилса, тамоман бошқа маънолар тушунилиши табиий. Ҳамда ўзбек тилида *“отанинг юзи холи қолиш”* тушунчаси (ибораси) умуман учрамайди. Бундай таржима аслият тили таъсиридан чиқаолмаслик деб ўйлаймиз. Лекин бундай таржима араб тили ўқувчиларига тил ўрганишда аввал луғавий ва сўнг унинг маъноларини билиб олиш жиҳатдан яхши қўл келади.

Таржималар ичида ушбу иборани ўзбек тилидаги муқобили ва ўзбек ўқувчисига энг тушунарлиси Алоуддин Мансурнинг *“Оталарингиз фақат сизларга боқар”*, Абдулазиз Мансурнинг *“Шунда отангизни ўзи сизларга қолур (яъни фақат сизларга меҳр кўяр)”* ва Мавлавий Ҳиндистоний домланинг

“Шундагина отангизнинг муҳаббати сизларга хос бўлади” таржималари десак хато қилмаймиз.

Яна бир мисол, Юсуф (а.с) жамолига маҳлиё бўлган Зулайхо унга эришиш илинжида пайт пойларди. Кунлардан бир кун Зулайхо ўз ниятига эришиш мақсадида Юсуфни ҳузурига чақиради. Оятда унинг машъум мақсади шундай ифодаланади:

راودته التي هو في بيتها عن نفسه وغلقت الأبواب قالت هيت لك َّ َّ (سورة يوسف – ٢٣)

Яъни: “У уйида бўлган аёл ундан нафсини хоҳлади. Эшикларни беркитиб: “Бу ёққа кел!” – деди.”⁷⁶

Раодате энди унинг ўзи ва унинг эшикларини беркитиб: “У уйида бўлган аёл ундан нафсини хоҳлади” ибораси билан таржима қилиб, юқоридаги маънолар синоними бўлган “**йўлдан урмоқ**” иборасини қўллаб, таржимани раво қила олган. Абдулазиз Мансур “ундан нафсини (қондиришни) талаб қилди”, Олтинхон Тўра “ўзига мойил қилмоқчи бўлди ани”, Шайх Муҳаммад Содик “У уйида бўлган аёл ундан нафсини хоҳлади”, Мавлавий Ҳиндистоний “Юсуф (а.с)дан нафси муродини (хоҳишини) талаб қилди” тарзида оддий феъл билан ўгиришган.

Бошқа тиллардаги таржималарда қуйидагича ўгирилган:

“Женщина, в доме которой он жил, стала соблазнять его, заперла двери”
(Кулиев Эльмир)

“И совершала его та, в доме которой он был, и заперла двери”
(Крачковский)

⁷⁶ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 270.

“*Yûsuf’un, evinde kaldığı kadın, onun nefsinden gönlünü tatmin etmek istedi. Kapıları kilitledi*” (Нурий Ўзтурк)

“*Ve (olacak bu ya,) barındığı evin kadını (kendini o'na karşı duyduğu arzuya kaptırıp) o'nun gönlünü çelmek istiyordu*” (Муҳаммад Асад)

“*But she In whose House He was, sought to seduce Him from His (true) self*” (Юсуф Али)

“*And she in whose house he was sought to make himself yield (to her)*” (М.Х. Шокир)

Яна бир мисол, Юсуф (а.с)нинг укаси Биньяминнинг юкидан подшоҳнинг сув идиши чиққанини кўрган акалари:

إن يسرق فقد سرق أخ له من قبل فأسرها يوسف في نفسه ولم يبدها لهم

قال أنتم شرّ مكانا والله أعلم بما تصفون (سورة يوسف-٧٧)

Яъни: “Агар бу (Биньямин) ўғирлик қилган бўлса (эҳтимол, чунки) илгари унинг биродари (Юсуф) ҳам ўғирлик қилган эди”, дедилар. Бас, Юсуф бу гапни **ичига солиб**, уларга билдирмади. Ва: (ўзича) “сизлар энг ёмон-тубан мартабададирсизлар (яъни, бир вақтлар ўғилни отадан ўғирлаб кетгансизлар) Аллоҳ сизларнинг тўқиб чиқараётган гапларингизни жуда яхши билгувчидир”, деди.”⁷⁷

Оятдаги **فأسرها يوسف في نفسه** иборасининг луғавий маъноси “Юсуф уни **ичида сир сақлади**.” Олтинхон Тўра ҳам таглама услубида “**махфий сақлади** бу сўзни Юсуф ўз ичида” деб, Муҳаммад Шариф Жуман ва Анвар Аҳмад “Юсуф уни **ичида сақлади**” тарзида таржима қилишган. Қолган таржимонлар бу иборанинг ўзбек тилидаги иккита муқобил ибораси ўгиришган. Шайх Муҳаммад Содик “Юсуф бунини **кўнглига тугиб қўйди**”, Абдулазиз Мансур ва Алоуддин Мансур “Юсуф бу гапни **ичига солди**”, Мавлавий Ҳиндистоний

⁷⁷ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 270.

“Юсуф (а.с) уларнинг сўзларини дилида махфий тутди (ичига ютди)” иборалари билан таржима қилишган.

“Йўсуф (Иосиф) утаил это в своей душе и не открылся им” (Кулиев Эльмир)

“Утаил это Йўсуф в душе и не выказал им” (Крачковский)

“O vakit Yusuf bunu içine attı ve onlara belli etmeden” (Хамди Язир)

“Yûsuf bunu içinde sakladı, onlara açıklamadı” (Нурий Ўзтурк)

“But these things did Joseph keep locked In His heart, revealing not the secrets to them.” (Юсуф Али)

“But Yusuf kept it secret in his heart and did not disclose it to them” (М.Х. Шокир)

Баъзи ўринларда иборани унга энг яқин оддий феъл билан таржима қилиб, изоҳ қисмида маънони тўлиқ очиш мақсадида иборанинг муқобилини келтириш услуби ҳам қулланилган.

Масалан, Зулайхонинг эри хотинининг хиёнатини билгандан сўнг, гап тарқалиб кетишидан кўрқади. Бу ишларни бости-бости қилиш мақсадида Юсуф (а.с)га

يوسف أعرض عن هذا واستغفرى لذنبك إنك كنت من الخاطئين (يوسف - ٢٩)

Яъни: “Юсуф, сен бу (ишни) унутгин, сен эса (эй Зулайхо), қилган гуноҳингга истиғфор айт – тавба қил. Чунки сен адашган кимсалардан бўлдинг”, деди.⁷⁸

Оятдаги *أعرض عن هذا* ибораси луғавий “бундан воз кеч, юз ўгир” маъносини англатади. Зулайхонинг эри амалдор бўлгани боис хотинининг бевафо ва нопоклигидан хабардор бўлгач, уни фақат бир нарса ташвишга солади: “Одамлар билмасин, сен буни унут, ҳеч кимга айтма” деб Юсуфга уқтиради. Таржимонлар ушбу маъноларни бериш учун ўзбек тили нуқтаи назаридан мос келадиган феълни бераолган. Шайх Муҳаммад Содик бу оят

⁷⁸ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 263.

таржимаси шарҳида маънони янада очиб бериш мақсадида, шу жумлани ўзбек тилида ифодаловчи бир неча ибораларни келтирган. “*Яъни, эсингдан чиқариб юбор. Туя кўрдингми, йўқ. Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверсин. Ичкарида нима бўлса, бўлаверсин. Ичкаридаги гап ташқарига чиқмаслиги керак.*”⁷⁹

“*Йусуф (Иосиф), забудь об этом!*” (Кулиев Эльмир),

“*Йусуф, отвернись от этого*”, (Крачковский)

“*Yusuf, sakın bundan söz etme*” (Ҳамди Язир)

“*Yûsuf, sakın bundan bahsetme!*” (Нурий Ўзтурк)

“*Bu (olayın) üstünde durma/bu olaya sırt çevir!*”. (Муҳаммад Асад)

“*O Joseph, pass This over!*” (Юсуф Али)

“*O Yusuf! turn aside from this*” (М.Ҳ. Шокир)

Иккинчиси. Биз юқоридаги жамики мисолларимизда, Юсуф сурасида келган араб ва ўзбек тилларидаги ибораларнинг бир-бирига муқобил ҳисобланадиганларини имкон қадар кўриб чиқдик. Бироқ, фразеологизмлар дунёсида шундай ҳолатлар учрайдики, бир тилда ибора ҳисобланган фразеологик бирлик иккинчи бир тилда фразеологизм ҳисобланмай, балки оддий бир сўз ёки сўз бирикма ёки баъзан мураккаб феъл бўлиб келади.

Мисол учун, ўзбек тилида ибора ҳисобланадиган “*юз ўғирмоқ*” араб тилида *تولّى* (юз ўғирмоқ) феъли билан, ёки “*устидан кулмоқ*” ибораси *استهزاء* (устидан кулмоқ) каби оддий феъллар билан берилиши мумкин. Ёки аксинча, араб тилида ибора шаклини олган *بصوت كالعرد ، بأعلي صوته* (момақалдиروقқа ўхшаган овоз) ўзбек тилида “*баланд овозда, ҳаммага эшиттириб*” каби оддий сўзлар билан, *كالصاعقة* (чакмоқдек) арабий ибора нутқимизда “*тўсатдан, ҳеч кутмаганда*” тарзда кўриниш ҳосил қилган.

Шу маънода Юсуф сурасида келган баъзи арабий иборалар ўзбек тилида оддий сўзлар билан ўгирилганини, ёки аксинча, оятдаги баъзи феълларни маъно

⁷⁹ Шайх Муҳаммад Содиқ. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 165.

таъсирчанлигини ошириш мақсадида фразеологик иборалар билан таржима қилиш ҳолатига гувоҳ бўламиз.

Арабий иборани оддий сўз бирикмаси ёрдамида ўгирилишига қуйида баъзи мисоллар келтириб ўтсак.

Юсуф (а.с) акаларига ўз кўйлагини бериб, олиб бориб оталарининг юзига ташлашини, шунда кўзи очилишини айтади.

اذهبوا بقميصي هذا فألقوه وجه أبي يأت بصيرا وأتوني بأهلكم أجمعين (سورة يوسف - ٩٣)

Яъни: “Менинг мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, **кўзи очилур**. Сўнгра, аҳлингиз ила жам бўлиб ҳузуримга келинглр.”⁸⁰

Оятдаги **يأت بصيرا** иборасининг луғавий маъноси “кўриши қайтади, келади”. Таржимонлар ушбу ибора маъносини англлатувчи ўзбек тилидаги “**кўзи очилур**” феъли билан беришган. Абдулазиз Мансур эса, “Шунда кўрадиган бўлиб қолур” деб таржима қилган.

Ёки, шу иборанинг иккинчи бир шаклини қуйидаги оятда кўришимиз мумкин. Юсуф (а.с)нинг кўйлагини олиб бориб Яъқуб (а.с) юзига ташлаганида, яна кўзлари кўра бошлайди. Оятда

فلما أن جاء البشير ألقاه علي وجهه فارتد بصيرا (سورة يوسف - ٩٦)

Яъни: “Энди қачонки хушxabарчи келиб, уни (яъни Юсуфни кўйлагини Яъқубнинг) юзига ташлагач, унинг кўзлари очилди.”⁸¹

ارتد بصيرا иборасининг луғавий маъноси “кўриши қайтди” (ёки **صار** маъносида⁸² “кўрадиганга айланди”). Таржимонлар “яна кўрадиган бўлди” (Шайх Муҳаммад Содик), “у кўрадиган бўлиб қолди” (Абдулазиз Мансур),

⁸⁰ Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 199.

⁸¹ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 272.

⁸² محي الدين الدرويش. اعراب القرآن الكريم وبيانه. مجلد الرابع. دار اليمامة. دمشق-بيروت. ٢٠٠٣م. ص - ٤١.

“Бас, кўзлари очилди-қолди” (Олтинхон Тўра), **“унинг кўзлари очилди”** (Алоуддин Мансур) тарзида таржима қилишган.

Яна бир мисол, араб тилида жуда кўп ишлатиладиган иборалардан бири **بين يديه** ибораси бўлиб, (луғавий маъноси “унинг икки кўли орасида”) кўпинча **“унинг олдида”, “унда ... бор”** маъноларида қўлланилади. Ҳатто Қуръони каримнинг 26 оятида такрор-такрор келгани бу иборанинг арабларда қанчалик кўп ишлатилишини кўрсатади. Ушбу ибора оятларда асосан **“ундан олдин”** маъносида келган. Юсуф сурасининг охирги оятида

ما كان حديثا يفترى ولكن تصديق الذي بين يديه وتفصيل كل شيء وهدى ورحمة لقوم

يؤمنون (سورة يوسف – ۱۱۱)

Яъни: *“Бу (Қуръон) тўқима гап эмас, лекин ўзидан олдин келганнинг тасдиғи ва барча нарсанинг тафсили, ҳидоят ҳамда имон келтирганлар учун раҳматдир.”*⁸³

Оятдаги **بين يديه** иборасини Алоуддин Мансур **“ўзидан аввалги нарсани”**, Абдулазиз Мансур **“ўзидан олдинги нарсаларни”**, Мавлавий Ҳиндистоний домла **“илгариги ўтган (ўзидан аввалги)”**, Олтинхон Тўра **“ул нарсаики, андин аввалдур”** деб таржима қилган.

Учинчиси. Шунингдек, араб тилида оддий феъл ҳисобланган кўплаб сўзлар борки, таржимонларнинг баъзилари жумланинг маъно таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўзбек тилида шу маънони ифодаловчи иборалар ёрдамида таржима қилишган.

Масалан, подшоҳ қўлларини кесиб олган аёллар ва Зулайхони ҳузурига чақириб, Юсуф ҳақида сўрайди. Аёллар ундан бирон ёмонлик сезмаганликларини айтишади. Зулайхо ҳам ҳақиқат ошкор бўлганини эътироф этади. Оятда унинг эътирофини шундай ифодаланган:

⁸³ Шайх Муҳаммад Содиқ. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 209.

قالت امرأت العزيز الآن حصص الحق أنا راودته عن نفسه

وإنه لمن الصادقين (سورة يوسف-٥١)

Яъни: *Азизнинг хотини*: “Энди ҳақиқат **зоҳир бўлди**. Мен унинг нафсини хоҳладим. Албатта, у содиқлардандир”, – деди. (Шайх Муҳаммад Содик ва Мавлавий Ҳиндистоний), “Мана энди ҳақиқат **рўёбга чиқди**” (Абдулазиз Мансур) “Энди ҳақ **зоҳир бўлди**”(Олтинхон Тўра). Таржимонлар **حصص** феълени луғавий маъносидан келиб чиқиб таржима қилишган. Алоуддин Мансур эса “Мана энди ҳақиқат **тантана қилди**” ибораси билан таржима қилиб, оддий феълни ўзбек тилидаги ибора билан таржима қилган.

Ёки, подшоҳ Юсуф (а.с)ни таъбирини эшитгач, уни ҳузурига олиб келишга буюради. Подшоҳнинг амри оятда (سورة يوسف-٥٠) **انتوني به** феъли билан келган. Кўпчилик таржимонлар луғавий “Уни менга келтиринг!” (Шайх Муҳаммад Содик), “Уни менинг олдимга келтиринг” (Алоуддин Мансур), “Уни ҳузуримга олиб келингиз!” (Абдулазиз Мансур) таржима қилишган. Олтинхон Тўра “Юсуфни менинг **қошимга келтиринг!**” ибораси билан таржима қилган. “**Қошимга келтиринг!** ибораси ўзида тарихийликни ҳам акс эттириши жиҳатидан таржимани янада очган.

Ёки, Яъқуб (а.с) ўғилларини ўйлаб ғам-алам ютавериб, кўзлари кўрмай қолади. Шунда ўғиллари

تالله تفتنوا تذكر يوسف حتي تكون حرصا أو تكون من الهالكين (سورة يوسف ٨٥)

Яъни: “Аллоҳга қасамки, токи **мадордан кетгунингча** ёки ҳалок бўлувчилардан **бўлгунингча**, Юсуфни зикр қилаверасан” дедилар. (Шайх Муҳаммад Содик)

Алоуддин Мансур оятдаги **حرصا** сўзини образли қилиб шундай таржима қилган “Оллоҳ номига қасамки, сен то **рамақижсон бўлиб қолгунингча** ёки (бир йўла) ҳалок бўлгунингча, Юсуфни эслайверар экансан-да!”

Баъзан маънони янада тушунарли бўлиши учун изоҳ қисмида шу маънони англатувчи ибораларни келтириб ўтиш ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Масалан, Юсуф (а.с) акалари ўз хатоларини тан олишгач, Юсуф (а.с) уларни кечирганини айтиб

لا تتريب عليكم اليوم ۞ يغفر الله لكم ۞ وهو أرحم الراحمين (سورة يوسف - ۹۲)

Яъни: “Бугунги кунда сизларни айблаш йўқ. Сизларни Аллоҳ мағфират қилгай. У раҳим қилувчиларнинг раҳимлироғидир”, деди.⁸⁴

Шайх Муҳаммад Содик оят таржимаси изоҳида ўзбек тилидаги “**Ўтган ишга салавот**” иборасини келтириб маънони тўла оча олган. Лекин ушбу оят маъносига ўзбек тилида “**Ўтган ишга салавот**” иборасидан кўра ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан яқинроқ “**айбини юзига солмоқ**” ибораси мавжуд. Муҳаммад Асаднинг туркча таржимасида айнан “*Bugün aybınız yüzünüze vurulmayacak.*” Яъни: “Бугун **айбингиз юзингизга солинмайди,**” ибораси билан таржима қилинган. Абдулазиз Мансур луғавий “*Бу кун сизларга нисбатан айблов йўқ.*” Алоуддин Мансур “*Бу кун сизлар айбланмайсиз.*”, Мавлавий Ҳиндистоний эса, “*Сизлар ҳеч хафа бўлманглар. Мен сизлардан қилмишларинг учуун интиқом (қасос) олмайман ва сизларни маломат ҳам қилмайман.*” маъно жиҳатдан изоҳли таржима қилган. Олтинхон Тўранинг “*Сизларга ҳеч **итоб** йўқдир бугун.*” таржимасидаги “**итоб**” калимаси тарихий сўз бўлиб, ҳозирда қўлланилмайди.

Хуллас, тадқиқотимизнинг мазкур бобида гувоҳ бўлганимиздек, ўзбек ва араб тилларидаги ибораларнинг бир-бирига муқобил ҳисобланадиган ҳамда бир тилда ибора вазифасида келса, иккинчи бир тилда оддий гап бўлаги ҳисобланадиган мисолларни имкон қадар кўрсатиб ўтдик ва айримларига кенгроқ тўхталдик. Умуман олганда, фразеологизмларни таржима қилишда муқобил вариантлардан фойдаланиш бу соҳанинг бошқа турлари қаторида иборалар таржимасида ҳам муҳим роль ўйнашини ва бу ҳолатнинг кенг

⁸⁴ Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 198.

учрашига биз ишимиз давомида амин бўлдик. Таржимонлармиздан Алоуддин Мансур таржимада ўзбек халқ ибораларидан энг кўп фойдалангани гувоҳи бўлдик. Маъно таъсирчанлигини ошириш мақсадида, кўп ўринларда оддий сўз бирикмаларини ҳам ўзбек тилидаги иборалар ёрдамида таржима қилган.

Шайх Муҳаммад Содик иборалар таржимасида кўпинча луғавий таржима қисмида унинг луғавий маъносини келтириб, изоҳ қисмида ушбу иборанинг ўзбек тилидаги бирнеча муқобил вариантларини келтириб ўтган.

Абдулазиз Мансур ва Олтинхон Тўра эса таржималарида иборадан жуда кам фойдаланган. Уларнинг ушбу сура таржимасида фақат биттадан ибора келган. Абдулазиз Мансур асосан аниқликка ҳаракат қилгани, Олтинхон Тўра тағлама ўгиргани боис оддий сўз ва бирикмалардан фойдаланишган.

Хулоса

Қуръони карим маънолари қадимдан барча миллат ва дин вакилларини қизиқтириб келган. Араб тилини билмаган халқлар бу илоҳий китоб маъноларини ўрганиш мақсадида ўз тилларига таржима қилишга ҳаракат қилишган. Бунинг натижасида бугунги кунимизгача Қуръони каримнинг минглаб таржималари дунё юзини кўрди.

Қуръони каримнинг мазмун ва моҳияти ғарб дунёсини ҳам бефарқ қолдирмади. Шу боис XII асрдан бошлаб Қуръони карим ғарб тилларига таржима қилина бошлади. XVII аср охирларида Европада том маънодаги илмий исломшунослик ривожлана бошлади. Натижада Қуръони карим тиржималари турли ғарб тилларига ўгирила бошлади. Қуръони карим таржималарининг амалга оширилиши арабларга хос сўз, ибора ва тушунчаларнинг бошқа тилларга бевасита таъсир этишига, шунингдек, таржимашуносликда янги йўналишларни, жумладан Қуръони карим таржимасига хос турли услубларни (таглама, луғавий, маъно таржималари ва тафсир каби услублар) юзага келишга сабаб бўлди.

Қуръони карим таржималари бу соҳадаги кўплаб илмий йўналишлар ривожига ҳам сабаб бўлди. Жумладан, 1697 йили европада Бартелеми д'Эрбело томонидан “Шарқ кутубхонаси” номли биринчи ислом қомуси нашр этилди. 1844 йили Г.Вейлнинг “Қуръон (матни)га тарихи-танқидий муқаддима” китоби, 1860 йили Т. Нёлдекенинг “Қуръон тарихи” тадқиқоти нашр этилди. XIX – XX асрларда европада Э.У. Лэйн (1857-1936), И. Гольдциер (1850-1921), Х.С. Хюргронье (1857-1936), А. Ламменс (1862-1937), А. Массэ (1886-1969), Россияда Г.С. Саблуков, Ч.Э. Торнау, В.А. Жуковский, В.В. Бартольд, И.Ю. Крачковский сингари қатор йирик исломшунослар етишиб чиқди. Ҳозирги кунда ислом дини асосларини, айниқса, Қуръони карим мавзуларини илмий ўрганиш дунё миқёсида кенг тус олиб, кўплаб адабиётлар чоп этилмоқда. Булардан, рус исломшунослари нашрга тайёрлаган “Ислом” қомусий луғати, “Ислом” тарихий-библиографик очерклари соҳада эришилган ютуқларни ўзида жамлаб ақс эттириши жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Олдинги асрларда европа олимлари исломга муносабатда диний таассубга йўл қўйган бўлсалар, XIX аср охири – XX аср бошларидан илмий холислик ва хайрихоҳлик билан ёндашув борган сари кенг тус олмоқда.

Қуръони карим таржималари орқали Қуръоний мавзулар бутун Шарқ дунёси адабиётига сингиб борди. Бунинг ёрқин мисоли суралари ичида “аҳсанул қасос”, яъни “қиссаларнинг энг гўзали” номи билан алоҳида таъкидланган Юсуф қиссаси бўлиб, Шарқ халқлари адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида катта қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда. Ўзбек адабиётининг ишқий асарларида “Юсуф ва Зулайхо” баркамол образ сифатида чуқур шакилланди. Ёзма адабиётда талмеҳли байтлар, достонлар, насрий қиссалар, ҳикоятлар ва XIX асрнинг иккинчи ярмидан драмалар яратилиб, турфа жанрларнинг тадрижий такомиллашуви таъминланди. “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси адабиётимизда ўзига хос ва бетакрор асарларнинг яратилишига, адабий хазинамизнинг бойишига катта сабаб бўлди.

Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги маъно таржималарини кўпайиб бориши таржимашунослик олдида муҳим вазифаларни келтириб чиқармоқда. Таржималар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар, ҳар бир таржимоннинг ўзига хос такрорланмас идивидуал услуби, уларнинг ютуқ ва камчиликларини белгилаб бериш шулар жумласидандир. Биз ушбу тадқиқотимизда Юсуф сураси таржималаридаги услуб ва ибораларни таржимада берилиши жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилдик. Таржималарни услуб жиҳатидан таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга келдик:

- ҳар бир таржимон ўзига хос таржима услубига эга.
- Олтинхон Тўра Тарозий сўзма-сўз тағлама услубда, Алоуддин Мансур изоҳли илмий-оммабоп услубда, Шайх Муҳаммад Содик кенг шарҳ ёрдамида илмий услубда, Абдулазиз Мансур қисман изоҳли услубда таржима қилишган.
- баъзи оятларнинг маъно таржималарини таржимонлар бир-биридан фарқли ўлароқ, турлича талқин қилишган.

- сурадаги айрим сўзларни таржима қилишда синоним ва амонимлардан фойдаланишларида, сўз танлаш маҳорати борасида таржимонлар ўзига хос услубга эга.

- Юсуф сурасининг 52 ва 53-оятлари таржимасида фарқли талқинлар мавжуд. Яъни, ушбу оятларда келган нутқ Юсуф (а.с) ёки Миср азизи хотинига тегишли масаласида икки хил ёндашув кўрилди. Шайх Муҳаммад Содик таржимасида ушбу оятларда келган гап Миср азизи хотини ўз айбининг эътирофи давоми сифатида келтирилган. Қолган барча ўзбек таржимонлари эса, Юсуф (а.с)нинг нутқи тарзида таржима қилишган.

- таржималарда (баъзи ўринларда) аслият таъсирида юзага келган ўзбек тили қоидаларига тўғри келмайдиган айрим ғализликлар сезилади.

Тадқиқотимизнинг охириги қисмида Юсуф сурасиги ибораларни таржимада берилишини ўрганиб чиқдик. Бунга кўра, таржима жараёнида таржимонни энг кўп қийнайдиган ва ани пайтда таржимани очиб юборадиган иборалар таржимада уч услуб ўз аксини топган.

- оятларда келган арабий ибораларни айнан ўзбек тилидаги муқобили билан ўгириш.

- араб тилидаги ибораларни ўзбек тилига калкала услубида сўзма-сўз ёки маъно жиҳатдан оддий сўзлар ёрдамида таржима қилиниши.

- араб тилидаги оддий сўз бирикмаларини ўзбек тилига маъно таъсирчанлигини ошириш мақсадида иборалар ёрдамида таржима қилиш.

Бундан ташқари, келгуси ишларимизда Қуръони Каримнинг бизда мавжуд бўлган ўзбек тилидаги таржималари мисолида таржиманинг лисоний, семантик ва прагматик масалаларини ўрганиш, икки тилнинг грамматика, синтактика ва лексикасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш каби мавзуларда илмий изланишлар олиб бориш ниятидамиз. Қуръони карим ҳозирги кунда деярли

барча халқлар тилларига тўла ёки қисман таржима қилинган. Бу эса бизга, аслият билан бир неча тил хусусиятларини услубий қиёслаш ҳамда янгидан-янги таржима қонуниятларини яратиш имкониятини беради. Қуръони карим таржималари таржимашуносликнинг ҳал қилинмаган бир қанча масалаларини ёритиб беришда ҳам биз учун тайёр объект вазифасини ўташи мумкин. Балки, шундай тадқиқотлар натижасида Қуръони Карим маъноларини таржима қилиш принциплари ишлаб чиқилса, кейинги мутаржимларнинг хато қилмасликлари, имкон қадар маъноларни ўзбек тилида жаранглаб, жозибали янги таржималар дунёга келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Ирода ва имон эътиқодимиз синови. Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Ўзбекистон, 1998

4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. –Б. 172.
5. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т.: Тошкент ислом университети, 2006. –Б. 235-248.
6. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий. Мадорикут танзил. 2-жуз. 1988. –Б. 210-241.
7. Алмунжид филлуғати ва ал-аълам. 41-нашр. Байрут.: Дарул машрик, 2005.
8. Алоуддин Мансур. Қуръони карим ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –Б. 767.
9. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. –Б. 96.
10. Крачковский И. Ю. Коран. Москва. 1991. –Б. 400.
11. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т.: Фан, 2005. –Б. 352.
12. Муҳаммад Фуад Абдулбоқий. Алмажаллад ал-мафаҳрис лиалфази Қуръанил карим. Қоҳира. : Дарулҳадис, 1422/2001
13. Муҳаммад Камол. Пайғамбарлар тарихи. Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 17-22.
14. Муҳиддин Дарвиш. Иъробул Қуръанил карим ва баянуҳ. 3-жузлар. Дамашқ – Байрут.: Дарул Ямама, 1424/2003. –Б. 499-554.
15. Муҳиддин Дарвиш. Иъробул Қуръанил карим ва баянуҳ. 4-жузлар. Дамашқ – Байрут.: Дарул Ямама, 1424/2003. –Б. 5-61.
16. Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. (Монография) Т.: Тошкент ислом университети, 2006. –Б. 347.
17. Оятуллоҳ Шерозий. Ал-Қуръанул карим батаржимаи фарисий. Рурул. Қим.
18. Рабғузий Н. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи, 1991.

19. Саййид Махмуд ибн Саййид Назир Тарозий. Ал-қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар. Т.: Фан, 2002. –Б. 215-228.
20. Саломов Ғ. Эй умри азиз. 1-китоб. Т.: Шарқ, 1997. –Б. 255.
21. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. Т.: Ўқитувчи, 1983. –Б. 230.
22. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. Т.: Ғ.Ғулом, 1983. –Б. 190.
23. Сафарова Ҳ. Ҳазрати Юсуф – гўзаллик тимсоли. Т.: Ислом университети, 2003. –Б. 120.
24. Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол.3-жуз. Т.: Шарқ, 2008. –Б. 149-213.
25. Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол.6-жуз. Т.: Шарқ, 2008. –Б. 640.
26. Шайх Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси.7-жуз. Т.: Шарқ, 2008.
27. Шайх Муҳаммад Содик. Ҳадис ва ҳаёт. Қуръон фазилятлари. 30-жуз. Т.: Шарқ, 2007.
28. Шайх Муҳаммад мулло Рустам ўғли. Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон. –Б. 368-389.
29. Шайх Зоҳидхон Қодир Отахон ўғли. Пайғамбарлар қиссаси. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993. –Б. 48-51.
30. Шарипов Ж. Бадиий таржиманинг актуал масалалари. Т.: Фан, 1997й.
31. Юсупов М. ва бошқалар. Ан-наъим арабча-ўзбекча луғат. Т. 2002.
32. М. Hamidullah. Kur'an-I Kerim tarihi. Istanbul.: Marmara Unversitesi, 2000. –S. 224.

Мақолалар

33. Давлатов О. “Аҳсан ул-қисас” Алишер Навоий талқинида // Сино. №27. 2007. –Б. 14-19.
34. Кароматов Ҳ. Қуръон маъноларининг ўзбекча таржималари // Таржима назарияси ва адабий-лисоний алоқалар. Т. 1992. –Б. 11.

35. Комилов Н. Бир шарҳ хусусида // Таржима назарияси масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами № 606 Т. 1979. –Б. 25-31.
36. Комилов Н. Бу қадимий санъат // Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 3-китоб. Ғ. Ғулум. Т. 1976. –Б. 54-89.
37. Муҳаммад Ш., Анвар А. Юсуф сураси // Ҳидоят. № 1-12. Т. 2008.
38. Муҳаммад Ш., Анвар А. Юсуф сураси // Ҳидоят. № 1-2. Т. 2009.
39. Очилов Э. Қайта таржима зарурати // Таржима назарияси ва адабий-лисоний алоқалар. Т. 1992. –Б. 24.
40. Ғафуров И. Қуръон таржималари: тажрибалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. №16 (3999). 2009.

Дисертациялар

41. Авазов А. Диний адабиётлар таржимасининг ўзига хос хасусиятлари. Т. 2005.
42. Аҳмедова С. Ибн Сино асарлари таржимасида илмий аниқлик. Т. 2006
43. Гулямова Г. Насрий таржимада муаллиф услубини қайта яратиш хусусиятлари. Т. 2005.
44. Даминов Б.З. Қуръони каримдаги “Илм” сўзининг таржима вариантлари.
45. Маннонов А. Муҳаммад Хузарийнинг “Нур ал-яқин” асари ва таржимаси қиёси. Т. 2004.
46. Янчирова Н.Р. Қуръони карим маъноларининг қиёсий таҳлили (“Ёсин”, “ас-Соффат”, “Ар-Раҳмон” суралари асосида)
47. Қурбонов А. Араб ва ўзбек тилларида фразеологизмлар ва уларнинг таржималари. Т. 2004.

Фойдаланилган интернет сайтлари:

48. www.al-islam.org
49. www.almeshkat.com

50. www.equran.org
51. www.islom.uz
52. www.islamweb.net
53. www.freequran.org
54. www.fundarabist.ru
55. www.google.com
56. www.khayma.com
57. www.quran.uz
58. www.quran.al-islam.com
59. www.quran.org
60. www.qurancomplex.com
61. www.quraan.com
62. www.russarabbc.ru
63. www.haksozhaber.net
64. www.kurankurslari.com
65. www.hermeskitap.com
66. www.imam.ru/quran

ИЛЮБА 1

Ali Qull Qara'i. The Qur'an and its Translations.⁸⁵

World Bibliography of Translations of the Meanings of the Holy Qur'an, Printed Translations 1515-1980

⁸⁵ Ali Qull Qara'i. The Qur'an and its Translations. World Bibliography of Translations Of The Meanings Of The Holy Qur'an Printed Translations 1515 – 1980. Islamabad: Muqtadirah Oawmi Zaban. 1987. 296 .

- 1. Afrikaans:**
 1. Ismail Abdurrazaak & Shaikh Salih Din, 3 vol. [n.p.] 1960.
 2. Muhammad Ahmad Baker, Kaapstad 1961, p. xlv+464.
- 2. Albanian:**
 1. H. Sherif Ahmeti, New York, 1992, p. 204.
- 3. Amharic:**
 1. [The Koran in Amharic] p. 450.
 2. [Anonym] Adis Ababa: Artistic Printing Press Ltd. 1981, p. 457.
- 4. Armenian:**
 1. Amirchanjanz, Abraham, Varna 1904. 2nd ed. Varna 1909-1910.
 2. Kirishchian, Levon Lorentz, Asitane 1911, p. 855+4.
 3. Kourbetian, Agop, Varna 1912, p. 654. (incomplete)
- 5. Assamese:**
 1. Muhammad Sadr 'Ali, 2nd ed. Gauhati: Lawyers Book Stall 1970, p. xii+978+2.
- 6. Balochi:**
 1. 'Abd al-Samad Sarbazi, Qadi & Khar Muhammad Nadawi, 2 vol. Mukran: Al-Jam'iyyat al-Markaziyyah li al-Da'wat al-Islamiyyah 1402/1982, p. 8+932.
 2. Hudur Bakhsh, Mawlana, 1st ed. Lahore 1329 H/1911, p. 1224.
- 7. Bengali:**
 1. 'Abbas 'Ali, Mawlana, Calcutta 1909, p. 976\ 5th ed. [n.p.] Muhammad Naqib al-Din Khan 1939.
 2. 'Abd al-Rahman Khan, 4 vol., Dacca: Muhammad Bashi 1962.
 3. 'Abd al-Wahid, Calcutta: Dar al-Isha'at al-Islamiyyah 1964, p. vi+488.
 4. Abu 'Ata' 'Abd al-Sattar, 2nd ed., Calcutta: 'Abd al-Sattar 1916.
 5. Abu al-Fadl 'Abd al-Karim, [n.p.] circa 1915.
 6. Akhtar Kamal Chaudhary, Chittagong: Akhtar Kamal Chaudhary 1923.
 7. Bahadur Taslim al-Din Ahmad, 3 vol., Calcutta: Oriental Printers and Publishers Ltd. 1922-23, 1925.
 8. Fadil Muqimi, Mawlawi, [n.p.] Fadil Muqimi 1924.
 9. Fadl al-Rahim, Chaudhary, 2 vol., [n.p.] 1931-32.
 10. Goldsack, William, Calcutta: Christian Literature Society of India, Bengal Branch 1908-1920.
 11. Hakim 'Abd al-Mannan, [n.p.] Taj Company [n.d.].
 12. *Ichalama sopana*, Ibrahim Khan comp. & edited with Ihsan Allah, Dacca: Bangla Academy 1963.
 13. Idris Ahmad, Dacca: Idris Ahmad 1330 H.
 14. Khadikar, Fayd al-Din Ahmad, [n.p.] Muhammad Shahid Allah 1925.
 15. Kuraanula Karima, 3 vol. Dacca: Islamic Academy 1964.
 16. Mubin al-Din Ahmad Jahangirnagari, Dacca: Majlis Karim Bakhsh 1921.
 17. Muhammad 'Abd al-Bari, Praptisthan: Chiragh 'Ali Book House 1376 H/1969.

18. Muhammad Akram Khan, Mawlana, 5 vol., Dacca 1958-59.
 19. Muhammad 'Ali Hasan, 3 vol., Dacca: Osmania Book Depot [n.d.].
 20. Muhammad Habib Allah, [n.p.] Muhammad Habib Allah 1923.
 21. Muhammad Naqib al-Din (Khan), Calcutta: Muhammad Naqib al-Din 1925.
 22. Muhammad Sayyid, Dacca: Muhammad Ghulam Husayn & Muhammad Khaliq 1968, p. 252.
 23. Muhammad Shams al-Huda, Dacca: East Bengal Book Syndicate 1959-60, p. 11+315.
 24. Muhammad Tahir, vol. 5, Calcutta: Madani Mission 1970-72, p. (viii+847)+(?)+(viii+471)+(xii+400)+(xii+415).
 25. Mukhtar Ahmad Siddiqi, Dacca: Muslim Sahitya Samiti 1932.
 26. M. 'Abd al-Hakim, Calcutta: Hafiz Muhammad Fadl & Sons Qur'an Publishing Co. 1922.
 27. M. Ruh al-Amin, 4 vol., Calcutta: Hanafi Press 1918-1930.
 28. Muhammad Hafiz al-Rahman, Bhawalpur 1372 H/1952, p. 964.
 29. Qadi 'Abd al-Wudud, Calcutta: Bharati Library 1966.
 30. Al-Qur'an al-Karim, Dacca: Islamic Academy 1968, p. 324.
 31. Sen, Girish Chandra Sen, 3 parts. Pt. 1, Sherpur Town, Mymemsingh: Charuyantra 1881, p. 384; Pts. 1-2, Calcutta: Vidhan Yantra 1882-1886; p. 385-760; 761-1201\ Calcutta 1979. (5)
 32. *Tarjumah-e Qur'an Majid*, Dacca: Falaih-e 'Amm Trust [n.d.], p. xxvii+1194. translation of *Mawdudi's Tafhim al-Qur'an*.
 33. [Anonymous], al-Qur'an al-Karim, 3 vol. Dacca: Islamic Foundation 1967, 1969, 1971.
- 8. Brahui:**
1. Mui:lammad 'Umar DinpUri, 1st ed. Lahore 1916.
 2. * 'Abd al-Karim Murad 'Ali Lahri Athari, Madinah 1513. p. 797+8.
 3. * Akhtar Muihammad. Mawlana, Quetta: Maktabah Rashidiyyah [n.d.].
- 9. Buginese:**
1. 'Abd Rahman Daeng Matamman Bone, *Berzandii, Terjamah baha Bugis*, Makassar: Hasanuddin (?) (1970?), p. 40. (a partial translation)
- 10. Bulgarian:**
1. Tomov, Stefan & Stefan Ya Skulev, (tr. from an English trans.), Rustchuk [1930] p. 536+6.
- 11. Burmese:**
1. * Baseen (?), [n.p.] 1969, p. 513. (a partial translation?)
 2. [Qur'an] Burma, [n.d.].
- 12. Chinese:**
1. Li, Tiezheng, Beijing: Chung Hwa Book Co. 1927, p.464.
 2. Liu, Jinbiao, (with commentary), Beijing: Xinmin Press 1943, p. 844.

3. Shih, Tzu-chuo (Shi Zizhou), (trans. with commentary, partly based on English translations and on the Chinese translation by Ching-Chai Wang} 1st ed., Taipei: The Committee of China Series 1958, p. 908\ Taiwan: The Chinese Muslim Association of the Republic of China 1978, 908. (3)

4. Wang, Ching-chai, (with commentary; first trans. into Chinese by a Muslim} Beijing 1932\Taipei: Chinese Muslim Association 1964, p. 844. (2)

5. Yang, Jingxiu, Beijing: Beijing Islamic Publishing Co. 1974, p. 456.

6. Yuchen, Li, Xue Ziming & Fan Kangfu (consulted Japanese & English translations}, Shanghai 1931.

7. Yugin Liya, Pekin 1942.

8. * Shaykh Muhammad Makin, Madinah, 1407 H.

13.Creole:

1. Houssein Nahaboo, Port Louis: Mouvement Islamique des Etudiants [1979], p. 223. (a partial translation}

14.Czech:

1. Hrbek, Ivan, Praha: Odeon 1972, p. 797.

2. Nykl, Aloin Richard, (trans. from Arabic} Prague: [Jaromir Dolensky] 1934, p. xxxi+359\ Prague: [Jaromir Dolensky] 1938, p. xxix+281.

3. Vesely, Ignat, (first complete Czech translation} Praha: Orientalni biblioteky 1913-1925, p. vi+592.

15.Danish:

1. Abdus Salam Sadiq Madsen, (trans. from Arabic} 3 vol., Copenhagen 1966\ 3 vol.. 2nd ed.. Copenhagen 1980. (1)

2. Pedersen, Copenhagen 1919.

3. Tuxen, Poul, Copenhagen: Aage Marcus (?) 1921.

16.Dutch:

1. Glazemaker, Jan Hendrik, (trans. from French trans. by Andre Du Ryer} Amsterdam 1657, p. [16]+692+[4]+125\ [7th ed.] [n.p.] 1799. {7)

2. Keijzer, S[alome] Haarlem 1860, p. viii+876\ Rotterdam [192-] p. xiv+682. (3)

3. Kramers, Johannes Hendrik, Amsterdam 1956, p. xx+ 728\ [6th ed.] Amsterdam: Agon Elsevier 1978, p. xx+ 728. (4)

4. Nasir Ahmad (Mirza, Rabwah [1993] p. ii+180+638\ Rabwah: The Oriental and Religious Publishing Corp. 1969.

5. Swigger (Schweigger}, Salomon, Hamburg 1641, p. 4+1+164.

6. Tollens, L. J. A.. (based on the French trans. of Kasimirski, the German trans. of Ullman, the Eng. trans. of Sale and the Latin trans. of Maraccio), Batavia (Jakarta): Lange and Co. 1859, p. xiii+xlvi+666+v.

7. [Anonym], (pub. under the auspices of Mirza Bashiruddin Ahmad, Qadiyani) [n.p.]: Zuid-Hollandsche U. M. Gravenhage 1953, p. iii+xii+3+638.

17.English:

1. 'Abdullah Yusuf 'Ali, 2 vol. Lahore: Call of Islam Society 1937-1938, p. xx+820+821\ 2 vol. 4th ed. Cairo-Beirut: Dar al-Kitab al-Mi~ri & Dar al-Kitab al-Lubnani 1979. {29}
2. 'Abdul Latif, (trans. from the Urdu commentary by Mawlana Abul Kalam Azad) Hyderabad: Academy of Islamic Studies 1969, p. xlvi+579.
3. 'Abdul Majid Daryabadi, 2 vol., Lahore-Karachi: Taj Co. 1957\ 2. vol. 2nd ed. Lahore-Karachi 1962\ 2 vol. Karachi [1971].
4. Abu'l Fadl, (arranged chronologically) 2 vol. Allahabad: G. A. Asghar and Co. 1911-1912\ New ed. Narmavala 1916, p. xxxi+615\ [4th rev.] Bombay: Reform Society 1955, p. xxxi+687.
5. Abu Muhammad Muslih, Hyderabad [n.d.].
6. Ahmad 'Ali, Mir, (with commentary by Mirza Mahdi Pooya Yazdi) 1st ed. Karachi 1964, p. 191+1+928\ Karachi [1964], p ix+1084\ Karachi: PeerMahomed Ebrahim Trust [1975] p. vii+820.
7. Ali Ahmed Khan Julundhari, 11 pt. Lahore: World Islamic Mission 1962, p. 367+48\ 2nd ed. Lahore 1963, p. 1254\ 3rd ed. Lahore 1978(?).
8. Arberry, Arthur John, 2 vol. London, 1955\ [5th ed.] London 1980. {12}
9. Athar Hussain, Lahore: Islamic Books Foundation 1974, p. 298.
10. Bell, Richard, 2 vol. Edinburg 1937-1939\ 2 vol. [2nd ed.] Edinburg 1960, p. xx+697\ Edinburg 1970.
- 11.* Cleary, Thomas, The Essential Koran, San Francisco: Harper SF 1994.
12. Dawood, N. J., [U. K.] Whitefriars Press 1936, p. 428\ [4th rev. ed.] London: Allen Lane 1978, p. 448. {8}
13. Ghulam Sarwar, Singapore (?) 1920, p. cxix+377\ 2nd ed. Karachi 1973, p. cxix+377. {5}
14. Hairat Dihlawi, 3 vol., Delhi 1916\ Calcutta 1930.
15. Hashim Amir Ali, Vermont: Rutland 1974, p. 600.
- 16.* Irving, T. B. (I:iajj Ta'lim ' Ali), Vermont: Amana Books 1985, 44+402.
17. Kamal ud-Din & Nazir Ahmad, A Running Commentary of the Holy Qur'an, London [n.d.]. Khwajah Kamal al-Dan's work was completed by his son Khwajah Nazir Ahmad)
18. Khadim Rahmani Nuri, The Running Commentary of the Holy Qur'an, Shillong: Sufi Hamsaya Gurudwar 1964, p. xvi+1144.
19. Mahomedali Habib, Karachi: Taj Art Press [19--?] p. 912.
20. Malik Ghulam Farid, 1st ed. Rabwah: Oriental and Religious Pub. Corp. 1969, p. (a)-p+1461.
- 21.* M. M. Khatib, The Bounteous Koran, New York Saint Martin's Press Inc., p. Al-Tawhid, Vol. XII, No.223 850.
22. Mohammed Abdul Hakim Khan, 1st ed. Karnal: Azizi Press 1905, p. 917\ Patialia 1905, p. 917+vi.

23. Mohammed Ahmed, London, 1979, p. 43+666.
- 24.* Muhammad al-Akili, Philadelphia: Pearl Publishing House 1993, p. 240.
25. Muhammad Ali, Woking: Islamic Review Office 1917, p. cxv+1275\ Lahore: Ahmadiyyah Anjuman-e Isha'at-e Islam 1951, p. cxvi+631. {8}
26. Muhammad Asad, Dublin: Dar al-Andlus Ltd. 1980, p. ix+966.
27. Muhammad Taqi al-Din al-Hilali & Muhammad Muhsin Khan, (explanatory trans.), 2nd ed. Ankara: Hilal Publications 1978, p. xv+604+604+xix.
28. Muhammed Zafrulla Khan, London 1971, p. 673\ London: Curzon Press 1979, p. lxiii+673. (2)
29. M. H. Shakir, Karachi: Habib Bank [1968] p. 600\ [n.p. n.d.] p. 660.
30. Palmer, Edward Henry, ed. F. Max MULLER 2 vol., Oxford: Clarendon Press 1880\ 2 vol. Delhi [1965]. (12)
31. Pickthall, (Mohammed) Marmaduke William, London: Allen and Unwin 1930, p. viii+693\ New York: Muslim World League [1977] p. xviii+768. {21}
- 32.* Rashad Khalifa, Tuscon: Islamic Productions, 1989, p. xviii+604.
33. Rodwell, John Meadows, (the surahs are arranged in a chronological order with notes and index), Hertford 1861, p. xxviii+659\ London: Everyman's Library 1978, p. 506. {29}
34. Ross, Alexander, London 1648, p. 511\ London 1719 (in A Complete History of the Turks. ...). (6)
- 35.* Sa'id Akhtar Ridwi, Sayyid, Al-Mizan (trans. of 'Allamah Tabataba'i's exegesis) 8 vols. have appeared to date, Tehran: WOFIS 1983.
36. Salahuddin (Peer), Aminabad: Raftar-e Zamana Publs. 1971, p. xviii+631.
37. Sale, George, (the first trans. in English from Arabic), 4 vol. Bostan (1882-1886)\ London-New York [1949 ?] p. xiv+608. (103)
38. Sher 'Ali, Rabwah 1955, p. 169+643\ 2nd ed. Rabwah: Quran Publications 1972, p. 635+37. (4)
39. S. M. Abdul Hamid, 3 vol. 1st ed.. Dacca: Islami Tabligh Mission 1962-1968\ 3 vol.. 2nd ed. Dacca 1965-1968.
- 40.* Zafar Ishaq Ansari, Towards Understanding the Qur'an (trans. of Mawdudi's *Tafhim al-Qur'an*, London: The Islamic Foundation, 1408-/1988-.
- 41.* [Anonym] The Quran, checked and rev. by Mahmud Y. Zayid assisted by a team of scholars, Lebanon: Dar al-Choura.

18. Esperanto:

1. Chuissi, Italo (Muhammad 'Abd al-Hadi), Copenhagen 1969\ Copenhagen 1970, p. xx+654.

19. Finnish:

1. Aro, Jussi; Armas Salonen & Knut Tallqvist, Helsinki 1957\ Helsinki: Werner Soderstrom Osakeyhtio 1980, p. 14+456.
2. Z. I. Ahsen Boere, Tampere 1942, p. 799.

20.French:

1. Ahmet Laimech & B. Ben Daoud, (trans. from Arabic). Oran: Heintz freres 1932, p. 348.
2. Blachere, Regis, 3 vol. Paris 1947-1950\ Paris 1972 p. 752. {3}
3. Du Ryer, Andre, Paris 1647, p. 5+1+648+f4J\ 2 vol. new ed. Leipzig: [Arkstee and] Merkus 1775. {20J}
4. Fatma Zaida, Lisbonne 1861, p. 483+viii.
5. Ghedira, M. Ameer, Lyon: Fleuve 1956. p. v+488.
6. Grosjean, Jean. 2 vol. Paris 1972, p. 550\ 2 vol., Beyrouth 1974 (?).
7. Hamza Boubakeur (Abou-Bakr), 2 vol. Paris [1972]. xix+1389\ 2 vol. Paris 1977, p. xix+1389\ 2 vol. new ed. Paris 1979.
8. Kasimirski, Albert de Biberstein, new ed. Paris 1832, p. xxxiv+533\ Bievres (France) 1973, p. 376. (27)
9. Masson, Denise, pref.: Jean Grosjean. introd. and notes: Denise Masson. Belgique 1967, p. cxvi+1088\ pref. Jean Grosjean. ed.: Subhi al-Salih, Beyrouth [n.d.], p. 828+941. (3)
10. Montet, Edouard Louis, Paris 1929, p. 9+895\ 2 vol. pref. Jaques Risler. Paris 1968-1969. (4)
11. Muhammad Hamidullah, 1st ed., pref.: Louis Massignon, Paris 1959. p. II. liv+640\ 2 vol. 10th ed. Beyrouth: Mu'assasat al-Risalah 1980 p.(lii+359)+(827). {10}
12. Nouredin Ben Mahmoud, Rabat: Grandes editions 1976. p. xvi+458.
13. Pesle, Octave & Ahmed Tidjani. Paris 1936, p. xvi+458\ Kuwait 1980. (9)
14. Sadok Mazigh, 2 vol. Tunis: Maison Tunisienne de l'edition 1978, p. (57+563)+(761).
- 15.* Salah ed-Din Kechrid. 5th ed. Beyrouth: Dar el-Gharb el-Islami. 1404/1984. p.842.
16. Savary. Claude Etienne, 2 vol. Paris 1783/ Paris 1970. {19}

21.German:

1. Arnold, Theodor. (trans. from the English trans. by George Sale). Lemgo 1746. p. [8J+xxviii+232+693+f19].
2. Boysen, Friedrich Eberhard. (trans. from Arabic), Halle 1773, p. 16+680\ Halle 1775, p. 678 \ Halle 1828, p. xcvi+783+[13].
3. Goldschmidt, Lazarus, Berlin 1916, p. 650+1\ Berlin 1923\ Ostrau 1935.
4. Grigull, Theodor Fr., Halle, 1901, p. viii+512\ Halle [1924] p. 512.
5. Henning, Max, Leipzig 1901, p. 611 \ Stuttgart: Reclam 1979. {9}
6. Lange, Johann, (based on du Ryer's French trans.). Hamburg 1688, p. iii+115.
7. Megerlin, David Friederich, (from Arabic), Franckfurtam-Mayn 1772, p. 876.
8. Neneter, David. (based on Marraccio.s Latintrans.), Ntirnberg 1703, p.[17J+1222+f50].

9. Paret, Rudi. Stuttgart 1962. p. 524\ Stuttgart-Berlin-Koln-Mainz: Verlag W. Kohlhammer 1980, p. 440. (6}
10. Riichert, Friedrich, Frankfurt-am. Main 1888, p. xii+500+[2]\ repr. ed. Hildesheim 1980, p. xii+550.
11. Sadr'ud-din, Berlin 1939, p. xiv+1022\ 2nd ed. Berlin: Wilmerrdorf die Moschee, die Muslim-Mission 1964, p. xi+1022.
- 12.* Salah ed-Din Kachrid, 5th ed. Beyrouth: Dar al-Gharb al-Islami 1404/1984, p.842.
13. Schweigger, Salomon, Nurnberg 1616, .p. 269+[18]\ Nurnberg 1664, p. [6J+928+I56]. (2}
14. Ullmann, Ludwig, Crefeld 1840, p. (8)+555\ 10th ed. Munchen: Goldmann 1977, p. 506. (14}
- 15.* [Anonym] (a Qadiyani team work), London 1985, p. 14+463+666.
16. [Anonym] Der Heilige Qur'an, 1st ed. Ahmadiyyah Mission, Wiesbaden 1954, p. 164+639.
17. [Anonym] Der Koran, 2nd rev. ed. Zurich: Verlag der Islam 1959, p. 153+653.
18. [Anonym] Der Koran, Leipzig 1904.
19. [Anonym] Der Koran, Leipzig 1924.
20. [Anonym] Der Koran, German Democratic Republic [n.p.] 1974, p. 599.
21. [Anonym] Der Koran, Munchen [1977], p. 505.
22. [Anonym] Der Koran, Leipzig. 1980, p. 574.
23. [Anonym] Der Koran, Munchen: William Goldman Verlag 1980, p. 506.
24. [Anonym] Der Koran, Stuttgart 1980, p. 614.

22. Greek:

1. Milili, L.. (most likely based on N. J. Dawood's English trans.), Athens: Kaklos Odisseas Hatwpulos and Sia 0. E. 1980, p. 12+486.
2. Pentaki, Gerasimou I., Athens 1878\ Athens 1880\ 2nd ed. Athens 1886, p. 5+[1]+14+480\ Athens 1887\ Athens 1921, p. 480\ Athens 1928, p. 464.
3. Zografu-Meranaiu, Minas, Athens 1969 (?), p. 457+16.
4. [Anonymous] Helmsladt Hermanus von der Hardt, 1734.

23. Gujrati:

1. Abd al-Qadir bin Luqman, Bombay 1297-1298 HJ1879.
2. Abd al-Rashid, Hafiz, Delhi 1311 H./1893.
3. Ahmad Bha'i Sulayman Jamani, 1st ed., Bombay 1938\ 3rd. ed.. Karachi: Habib Memorial Trust 1957.
4. Aziz Allah Khatib Godharwi, Ahmadabad: Fayz Publisher 1955.
5. Ghulam Ali Ismail Bhaunagri, Hajji, Ahmadabad: Ithna .Ashari Press 1901.
6. Ghulam Muhammad Sadiq Randiri, 2 vol.. [n.p.1 Muslim Gujrat 1946.
7. Mahum Mawlana Musawi, Ahmadabad: Khalib Kitab Ghar [n.d.].
8. Muhammad Isfahani, 5 vol. Bombay: Mustafawi Press 1318H./1900.

9. Muhammad Ya.qub Chisti Sabri (Pir), Bombay: Khilafal Press 1925.

10. Muhammad Yaqub, Hakim Mir, Bombay 1925, p. vi+742.

24.Hausa:

1. Abubakar Mahmoud Gummi, pref. Muhammed Ali Al-Harkan, Beirut Dar al-Arabiyyah 1979, p. 1372.

25.Hebrew:

1. Ben-Shemesh, Aharon, [Tel-Aviv] 1971, p. 15+442.

2. Reckendorf, Hermann, Leipzig 1857, p; xlviii+370.

3. Rivlin, Joseph Joel, 2 vol. Tel-Aviv 1936-1945, p. x+ 770\ 2 vol. 2nd ed. Tel-Aviv: Hotsa'at Dvir 1963, p. x+771.

26.Hindi:

1. Ahmad Bashir Farangi Mahalli & Ghulam Muhammad Qurayshi, 1st ed. Aminabad 1947, p. 600.

2. Ahmad Shah Masihi, 1st ed. Rajpur 1915, p. 400.

3. Avasti, Nand Kumar, Lucknow 1980, p. 1023.

4. Hasan Nizami, Khwajah, 2 vol. Delhi 1922-1929, p. 900.

5. Muhammad Faruq Khan Sultanpuri, Rampur: Maktabat al-Hasanat 1966.

6. Muhammad Yusuf, Sayyid, Amritsar 1936, p. 742+11.

27.Hungarian:

1. * Robert, Simon, 2 vol. Helikon Kiado 1987, 553+498.

2. Szdmajer, Imre (Emory) Buziday & George (Gyorgy) Gedeon, [n.p.] 1831.

3. Szokolay, Stephan, Budapest 1854.

28.Indonesian:

1. Abdul Malik Karim Amrullah, *Tafsir al-azhar*, Djakarta 1965.

2. Ahmad Hassan, al-Furqan [tafsir al-Qur'an], 4 vol. Bandung 1928\ Kelantan 1979, p.lii+1240. (7)

3. Arifin Bey, 4th ed., Bandung: al-Ma.arif [n.d.]

4. Bachtiar Surin, 3 vol. Bandung 1978, p. 1043.

5. Hans Bague Jassin, Jakarta: Penerbitan Djambatan 1978, p. xiv+889.

6. [H.] Abdul Halim Hassan; [Zainal Arifin Abbas & Abdur Rahim Haithami], *Tafsir Qur'an al-Karim*, Medan: Jajasan Persatuan Amal Bakti Sumatra Utara 1967.

7. H. Zainuddin Hamidy & H. S. Fachruddin, Jakarta 1971, p. xvi+635.

8. Mahmud Junus, [n.p.] 1935\3rd ed. Bandung: P. T. Al-Ma'arif 1977, p. 542. (6)

9. Marwan bin H. Muhammad Ali, 3 vol. Jogjakarta [195-?] p.1181.

10. Muhammad Hasbi Ashshiddiegy, Bandung 1971\ 2nd ed. Jakarta: Bulan Bintang 1965. (4)

11. [Anonym], *Qur'an tardjamah* Indonesia, 3 vol. Jogjakarta: Penjiaran Islam [1961 ?].

12.[Anonym] (a team effort), *al-Quran dan Terjemahnja*, 3 vol. Jakarta 1965-1970, p. 147+1122\ Jakarta: Yayasan Penyelenggara Penterjemeh Pentafsir al-Quran, 1980-1981, p. 1122. (3)

13.[Anonym], *Terjemah and Tafsir al-Quran*, 3 vol., Bandung: Lembaga Penterjemah Kitab Suci Al-Quran Firma Sumatra Bandung 1978, p. 1044.

29.Italian:

1. Arrivabene, Andrea, Venice 1547, p. 38+100\ Venezia 1574, p. [8]+L+100.
2. Bausani, Alessandro, Firenze 1955, p.lxxix+779\ Firenze 1978, p. lxxix+771. (1)
3. Bonelli, Luigi, new ed. Milano 1929, p. 31+524\ reprint 2nd rev. ed., Milano: Ulrico Hoepli 1972, p. 614. (4)
4. Branchi, Eugenio Camillo, Roma 1913, p. 437.
5. Calza, Caval. Vincenio, 8astia 1847, p. xiv+330.
6. [Anonymous] Milano 1882, p. 3+536\ Milano 1912\ Milano: Giovanni Panzeri 1913.
7. Fracassi, Aquilio, Milano 1914" p.lxx+[6]+340+359.
8. Moreno, Martino Mario, Torino 1967, p. viii+605\ Torino 1969, p. viii+605\ 2nd ed. [n.p.] 1971, p. vii+608.
9. * Peirone, Federico, 2 vol. Milan: Arnoldo Mondadori Editore 1979, p. 995.
- 10.* Terenwni, Angelo, Rome: Islamic Cultural Center 1990, p. 478.
11. Violante, Alferedo, Rome: Casa Ed. Latina 1912.
- 12.*Il Corano*, Milano 1882/ Milano 1913. (1)

30.Japanese:

1. Ban, Yasunari & Osamu Ikeda, [Tokyo] 1970\ [2nd ed.] [Tokyo]: Chuo-Koron-Sha 1979, p. 566.
2. Izutsu, Toshihiko, (trans. from Arabic), Kaiwsha, 1945\ 3 vol. Tokyo 1957, p.952\ 3 vol. 2nd ed. [Tokyo] 1964-1965, p. 1052.
3. Okawa, Shumei, [n.p.] 1950, p. 4+10+9+863. (3rd Japanese trans).
4. Sakamoto, Ken-ichi, 2 vol. [n.p.] 1920, p. 419+428\ reprint of 1920 edition 2 vol. 2nd ed. [n.p.] 1929-1930. (1st Japanese trans., from Sale, Palmar and Rodwell.)
5. Takahashi, Goro; Bunpachiro (Ahmad) Ariga & Mizuho Yamaguchi, 1 vol. [n.p.] 1938, p. 878. (2nd Japanese trans., published in 1938).
6. Umar, Ryoichi Mita, [n.p.] 1972, p. 758. (Sixth and latest Japanese trans., published in 1972.)

31.Javanese:

1. Kiyai Bishri, 3 vol. Jogjakarta: Penjarian Islam 1964-1967, p. 1181.

32.Kannada:

1. [Anonym] [*Divya Quran*] *Qur'an Majid*, (An effort of six scholars: Mawlana Shah .Abd al-Qadir, Mawlana Sayyid, Abii Rayhan Ahmad Nuri, .Abd Allah Sahib, I'jaz al-Din, and .Abd al-Ghaffar), 2 vol. Bangalore 1978, p. 1400.

33.Kashmiri:

1. Muhammad Yahya Shah, [n.p.] 1305/1887. (a partial work)
2. Muhammad Yusuf Shah, vol.1, Srinagar: .Ali Muhammad & Sons 1393/1973, p. 44+504. (a partial work)
3. 'All Jalal al-Din, Maktabah-e Ma'arif-e Qur'an 1986, p. 156. (a partial work)

34.Korean:

1. Kim, Young-Sun, Seoul: Dae Yang su Juk 1971, p. 473.

35.Kurdish:

1. * 'Abd Allah Varli, Istanbul: 'Abd Allah Varli 1994, p. 604.
2. 'Abd al-Kariro Mudarris, Mulla, *Tafsir-e Nami*, 7 vol. Baghdad 1980. (This complete work has been listed as an incomplete translation).
3. Muhammad Khal, *Tafsir-e Khal*, 4 val. Baghdad-Sulaymaniyah: Chapkhaneh Zankoy 1969-1979, p. 219+200+138+224.
4. Muhammad Koyie Gali Zadeh, *Tafsir-e Kurdi*, 3 vol. Baghdad 1968-1971, p. 164+110+121.

36.Latin:

1. Ketenensis, Rabetus & Hermannus Dalmata, 5 vol. ed. Theodori Bibliandri, Basilex 1543, p. 23+230+18+178+163\ 3 vol. Zurich 1550\ Zurich 1556. (Translated under the direction of Peter the Venerable in 1143 and published in Basel in 1543 by Theodori Bibliandr)
2. Marraccio, Ludovico, Patavii 1698\ Lipsiae 1721.

37.Luganda:

1. Bulwadda, Zakariya Kizito, Kampala: Uganda Ahmadiya Muslim Mission 1973, p. xvi+1001.

38.Macassar (Celebes):

1. Donselaar, w. M. Rotterdam 1861. (a partial trans.)
2. Matthes, B. F., Amsterdam 1856, p. [89]+106. (a partial trans.)

39.Malay:

1. 'Abd al-Ra'uf b. 'Ali al-Fansuri al-Jawi, Cairo 1342/1923\ 3 vol. Penang 1961, p. 325+341+335\ Dar al-Fikr 1410/1990, p. 610.
2. 'Abd Allah 'Abbas Nasution, Penang 1968, p. 522\ 1st ed. 2vol. Kedah [n.d.], p. 498.
3. 'Abd Allah Muhammad Basmeih, 3 vol. Kuala Lumpur 1972, p. 591\ Kuala Lumpur 1974\ 1st ed. Kuala Lumpur: Majlis Kebangsaan Bagi Hal Ehwal Agama Islam Malaysia 1980, p. xiv+1756.
4. Ahmad Hassan, 4 vol. Bandung 1928\ Kelantan: Pustaka Aman Press 1979, p. lii+1240. (4)
5. [Anonym] *al-Qur'an dan terjemahnya*, Kuala Lumpur: Pustaka Antara 1979, p. 1122.

40.Malayalam:

1. Muttanisseril M. Kayakkutti, 3rd rev. ed. Kayamkularo: Lekba Publications 1970, p. cviii+988.

41.Marathi:

1. Muhammad Ya'qub Khan, l:I. Sufi Mir, Bombay: Shad Adam Trust 1973, p. 1159+99.

2. *Pavitra Qur'an*, ed. Mir Muhammad Yaqub Khan, introd.: A. U. Shaykh, Bombay: Shad Adam 1973, p. 24+1174+11.

42.Meranao (Philippines):

1. Ahmad D. Alonto: [*The Meaning of the Surah al-Fatihah. the Juz 'Amma of the Glorious Qur'an and the Asma' al-Husna in Meranao*], Marawi: JPI Publishing House 1979, p. 97. (a partial work)

2. Ibrahim Khayral, [n.p.] 1985-1990. (a partial work, several Juz' of the Qur'an published separately)

43.Norwegian:

1. Berg, Einar, Oslo: Universitets forlaget 1980. p. 714.

44.Panjabi:

1. .Abd al-.Aziz, Mawlawi, *Tafsir 'Azizi*, Lahore 1908.

2. .Abd al-Ghafur Aslam Jalandhari, *Tafsir-e yasir*, 3 vol. 1st ed., Gujrat 1968, p. 583+648+688.

3. Firuz al-Din, Amritsar 1903.

4. Hidayat Alla Ghalza'i, Lahore 1887\ Lahore 1389/1969, p. 4+620.

5. Muhammad bin Barak Allah, *Tafsir-e Muhammadi*, 8 vol. in 6, 1st ed. Lahore 1882-1884, p. 2350. (the same as no.9?)

6. Muhammad Dilpadhir, Mawlawi, Lahore 1341\ 1922.

7. Muhammad Habib Allah, *Midhaq al-'arifin ila al-qisas al-muhsinin*, Lahore [n.d.] p. 708.

8. Muhammad Hafiz al-Rahman, (in Sariki dialect), 1st ed. Bhawalpur 1372\1952.

9. Muhammad Mubarak Allah, Hafiz, *Tafsir-e Muhammadi*, [n.p.] 1870.

10.[Muhammad] Nabi Bakhsh Halwani, *Tafsir-e Nabawi ba zaban-e Panjabi*, Lahore 1902-1904.

11.Muhammad Nawaz Iram, Lahore: Istiqlal Press [n.d.].

12.Nizam al-Din Hanafi Sarwari, 1st ed. Lahore: Matba' Siddiqi, 1313\1895, p. 964.

13.Sant Gurdatt Singh, Wazirabad 1911, p. 782.

14.Shams al-Din Bukhari, Amritsar 1894.

45.Pashto:

1. Abd Allah Warith Kiti & .Abd al-.Aziz 'Adilgarhi, *Tafsir-e Husayni*, Bombay [n.d.]

2. Abd al Hlaqq Darbangwi, Mawlana, Peshawar: Hamidiyah Press 1961, p. 960.

3. Ja'far Husayn Shah, 1st ed. Peshawar: Hamidiyah Press 1964, p. 1012.

4. Fadl-e Wudud & Gul Rahim al-Asmari, *Tafsir-e Wududi*, [n.p.] [n.d.] (the first half of the work is by Fadl-e Wudud, completed by Gul Rahim al-Asmari).
5. Muhammad Idris, Hafiz Kashshif *al-Qur'an sada Pashto tarjamah aur tafsir*, 2 vol. Peshawar 1961-1976, p. 1679.
6. Murad .Ali (Mawlana), *Tafsir-e fawq al-yasir-e Afghani*, 2 vol., 1st ed. Lahore 1324/1906, p. 2130\ 2 vol. Lahore 1935-1937, p. 1871\ Jalalabad, [n.d.].
